Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 47 (20. 614) • 1990 йил 24 февраль, шанба • Бахоси 3 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИ ЧАҚИРИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми **қарор қилади:**

Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Советининг биринчи сессияси 1990 йил 24 мартда Тошкент шаҳрида чақирилсин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси М. ИБРОҲИМОВ.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Л. БЕККУЛБЕКОВА.

Тошкент шаҳри,
1990 йил 22 февраль.

* * *

Ўзбекистон ССР Олий Советининг Президиуми маълум қиладики, ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Совети биринчи сессиясида кўриб чиқиш учун қуйидаги масалаларни киритиш кўзда тутилади:

1. Ўзбекистон ССР Олий Совети органларини тузиш.

2. Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг ҳукуматнинг бўлажак фаолияти программаси тўғрисидаги ҳамда СССР халқ депутатлари иккинчи Съездининг «Иқтисодиётни соғломлаштириш тадбирлари, иқтисодий ислоҳотнинг босқичлари ва XIII беш йиллик планини ишлаб чиқишга принципиал ёндашувлар ҳақида»ги қарори қандай бажарилаётганлиги тўғрисидаги доклади.

3. Ўзбекистон ССР Министрлар Советини ҳамда Олий Советга бўйсунувчи бошқа органларни тузиш.

4. Республикани иқтисодий мустақиллиққа, ўзини ўзи бошқариш ва ўз харажатларини ўзи қоплашга ўтказиш ишининг асосий йўналишлари ҳақида.

5. Республика меҳнаткашларининг Ўзбекистон ССР гражданлари ҳарбий хизматни ўташи тартибини ўзгартириш масалаларига доир таклифлари тўғрисида.

Шу масалалар билан бирга бошқа бир қанча масалаларни ҳам муҳокама қилиш кўзда тутилмоқда.

XII БЕШ ЙИЛЛИК

Баҳорги экиш мавсумига шаймисиз?

УЗОҚҚА БОРМАЙ

Ғиждувон райони механизаторлари экиш техникасини областда биринчи бўлиб старт чизиғига чиқардилар. Февралнинг учинчи ўн кунлигида барча тракторлар, сеялкалар сифатли ремонтдан чиқарилиб, экишга шайланди.

Айниқса, Калинин номли, С. Айний номли, К. Маркс номли, Энгельс номли колхозларда техника ремонти юксак уюшқоқлик билан пишиқпухта ўтказилмоқда. Ремонт ишларининг жадаллашувида техникани қишки сақлаш шароитлари барча хўжаликларда тубдан яхшиланганлиги муҳим роль ўйнади.

Айни маҳалда Ғиждувон район ремонт-ишлаб чиқариш корхонасида иш суръати тобора жадаллашмоқда. Корхона ишчиларидан Р. Муҳамедов, Ф. Хожиев, Р. Файзиев айниқса, юксак унумдорлик билан ишлашяпти. Корхонадаги цехларнинг реконструкция қилиниши ремонт ишларида янги имкониятларни вужудга келтирди. Энди бу ерда техника деталларининг тақчил турларини қайта тиклаш мумкин бўлди. Бунда корхона технологи Х. Жабборовнинг хизматлари катта.

— Бундай деталларни қайта тиклаш цехлари Вобкент ва Олотдаги корхоналаримизда ҳам яхши ишламоқда, — деди биз билан суҳбатда область «Агроснабремонт» ишлаб чиқариш бирлашмаси бошлиғининг ўринбосари Н. Ғаниев. — Натижада эҳтиёт қисмларни ортиқча сарфлашга чек қўйилиб, техниканинг умри узаймоқда.

Н. НАИМОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

Биринчилардан бўлиб

Мана деҳқон учун кўпдан бери орзиқиб кутилган дамлар яқинлашмоқда. Ҳадемай ҳаво исиб, қиши билан дам олиб хордиқ чиқарган серҳосил далалар жонланади. Ана шунда осуда далаларни тракторларнинг сурони қоплайди. Зеро отуловини, яъни техника воситаларини мавсумга шайлаб қўйган деҳқонлар экиш мавсумини ёруғ юз билан кутиб оладилар.

Қашқадарё областининг Китоб районидаги Куйбишев номли колхоз деҳқонлари ҳам қишда тадбиркорлик билан иш тутдилар. Далаларга кўплаб маҳаллий ўғитлар чиқарилди. Ариқзовурлар тозаланди. Марказий ремонт устахонаси эса созловчилар, слесарлар астойдил меҳнат қилишди. Натижада мавжуд 28 та чопиқ трактори, 26 та чигит экиш сеялкаси, 76 та ҳайдов трактори мавсумга шайлаб қўйилди. Бу ишларда моҳир тракторчи Насим Юсуповнинг ҳиссаси катта. Мана у 17 йилдан бери, шу хўжаликда меҳнат қилади. Астойдил ишлаганлиги учун кўпчилик ҳурматини қозонган.

Суратларда: 1. Насим Юсупов. 2. Избоскан районидаги «Партия XX съезди» колхози устахонасида тайёр ҳолга келган техника воситалари.

Э. ҚУЛМУРОДОВ ВА Б. АЛИМОВ суратлари.



Газета саҳифаларида

● 2-БЕТ:

КПСС Марказий Комитети Ҳаракат дастури лойиҳасини муҳокама қиламиз

● 3-БЕТ:

Қамчиликларнинг илдизи қаерда?

● 4-БЕТ:

Наврўзни мадҳ этиб

СССР Олий Советининг учинчи сессиясида

ҲУҚУҚИЙ ДАВЛАТДАГИ ҲУҚУҚЛАР

«Менга деса Бирлашган Миллатлар Ташкилотига ёзмайсанми!...» — деган бир хил гапларни «кераклн жойга ёзиш лозим» деган гапларга жавобан тез-тез эшитиш мумкин. Хўш, агар СССР граждани ёки ҳар қандай бошқа давлат граждани ўз мамлакати устидан шикоят қилиб БМТга мурожаат қилса, нима бўлади? Шикоят иш тартиби нормаларига мувофиқ бўлса, хусусан унда ҳақорат қилувчи гаплар бўлмаса, аризани БМТ комиссияси кўриб чиқади.

Совет Иттифоқида бир неча йил муқаддам бундай мисоллар жуда кўп эди, ҳозир эса уларнинг сони анча камайди, деб маълум қилди СССР Ташқи ишлар министрлиги халқаро гуманитар ҳамкорлик ва инсон ҳуқуқлари бошқармасининг бошлиғи Ю. А. Решетов 22 февраль куни Олий Советнинг Ошкоралик ва гражданларнинг ҳуқуқлари, шикоят ва аризалари масалалари комитети мажлисида сўзга чиқиб. Комитетда ҳам Совет Иттифоқида, ҳам бошқа мамлакатларда инсон ҳуқуқлари муаммолари тўғрисида гап борди.

Яна кўп иш қилиш лозимлигига қарамай, деди Ташқи ишлар министрлигининг вакили, БМТда ва умуман халқаро майдонда бу хусусда мамлакатимизнинг мавқеи чакки эмас. У хусусан Конституциянинг тегишли бўлимига ўзгартишлар киритишни, шунингдек виждон эркинлиги тўғрисида қонун қабул қилишни СССРда амалга оширилиши лозим бўлган биринчи навбатдаги тадбирлар деб кўрсатди.

Ҳақиқатан ҳам қонунларимизда кўпгина ҳуқуқлар ва эркинликлар фақат баён қилинибгина қолгани ҳақида кўп гапирилди. Ҳатто инсоннинг асосий ҳуқуқи —яшаш ҳуқуқига ҳам бизда изчиллик билан риоя этилмайди, чунки ўлим жазоси сақлаб қолинган. Ёки Конституция кафолат берадиган меҳнат қилиш ҳуқуқини олиб кўрайлик. Халқаро ҳужжатларга мувофиқ бу ҳуқуқ эркин иш танлашни, қулай меҳнат шароитини, адолатли ҳақ тўланишини, етарли турмуш даражасини, хизматда кўтарилиш учун тенг шароитни, очликдан ҳоли бўлишни, ишсиз қолган тақдирда моддий таъминланишни, иш ташлаш ҳуқуқини ўз ичига олади. Бизда ана шу санаб ўтилган ҳуқуқларнинг ҳаммаси мавжудми?

Дарвоқе, ҳар бир масала хусусида чет элга мурожаат қилишга ҳожат бўлмаса керак. Ўзимизни мақташ учун ҳам, танқид қилиш учун ҳам чет элга назар солишга ҳожат йўқ. Назар солганда эса текширилган маълумотлардан фойдаланмоқ керак. Болтиқбўйида сайлов ҳуқуқига ўтроқлик цензини киритишаётганида бошқа давлатларнинг тажрибасини пеш қилишган эди. Бундай мисоллар бор, деди Ю. А. Решетов, фақат дунёдаги икки давлатда — Филиппин ва Тонго қироллигида ана шундай чеклаш мавжуд. Наҳотки шу тақлид қилишга арзийдиган мисол бўлса.

Инсон ҳуқуқлари соҳасида жаҳондаги ишларнинг аҳволини билиш керак — депутатларнинг якдил фикри ана шундай. Яна беихтиёр равишда иқтисодий, ҳуқуқий, компьютер «умумий таълими»дан сўнг яна бир «умумий таълим» зарур деган хулосага келамиз... Аммо ҳозирча маълумот йўқ экан, аҳволни ўнглаб бўлмайди, ҳатто ҳуқуқий давлат барпо этишга уриниш ҳам мумкин эмас. Ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун одамлар, аввало, бу ҳуқуқларни яхши билишлари керак.

С. ЖАРКОВ,
ТАССнинг парламентдаги мухбири.

Йигирма биринчи чақириқ Ўзбекистон ССР халқ депутатлари маҳаллий Советлари депутатлари сайловининг якунлари тўғрисида Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг

АХБОРОТИ

1990 йил 18 февраль куни бўлиб ўтган йигирма биринчи чақириқ Ўзбекистон ССР халқ депутатлари область, район, шаҳар, шаҳарлардаги районлар, посёлка ва қишлоқ Советлари депутатлари сайлови республикамиз меҳнаткашлари қайта қуриш йўлини қўллаб-қувватлаётганликларини, ижтимоий ҳаётнинг барча соҳалари янгиланаётганлигини, демократия тантанасини ишончли тарзда намойиш этди. Сайлов уюшқоқлик билан, осойишта ва амалий вазиятда, ортиқча дабдабасиз ўтди. Ҳамма ерда республика, унинг ҳар бир регионини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда тўпланиб қолган муаммоларни бартараф этишга, шу мураккаб вазифани уддасидан чиқишга қодир бўлган депутатларни сайлашга, Советларнинг самарали ишини таъминлашга интилиш қайд этилди.

Сайловга тайёргарлик ва уни ўтказиш билан боғлиқ барча тадбирлар Ўзбекистон ССР Конституцияси ва Ўзбекистон ССР халқ депутатлари маҳаллий Советлари депутатлари сайлови тўғрисидаги Қонунга тўла мувофиқ тарзда амалга оширилди. Сайлов кампаниясида фаол иштирок этган республика меҳнаткашлари янги сайлов Қонуни замиридаги демократик дастурлардан кенг фойдаландилар. Бир қанча сайлов округларида бир ўринга бир неча номзод кўрсатиш таъминланди, депутатлик мандатини олиш учун иккита ва ундан ортиқ даъвогар бўлди, номзодларнинг кўпчилиги гражданларнинг истиқомат жойларидаги йиғилишларда, аҳолининг ташаббускор жамоат органлари, жамоат ташкилотлари томонидан кўрсатилди. Ҳаммаси бўлиб республика маҳаллий Советларига 86,6 минг нафардан кўпроқ депутатликка номзод овозга қўйилди.

Сайловни ўтказиш учун 22632 та территориал ва округ сайлов комиссияси тузилди, бу комиссиялар ишида жамоат ташкилотлари, меҳнат коллективлари вакилларидан ва гражданларнинг истиқомат жойлардаги йиғилишлар намояндаларидан 192,6 минг нафардан кўпроқ киши қатнашди. Ушбу комиссиялар составида 87417 киши ёки 45,4 фоиз ишчилар ва колхозчилар; 66730 киши ёки 34,6 фоиз КПСС аъзолари ва аъзоликка кандидатлар; 74896 киши ёки 38,9 фоиз хотин-қизлар; 49754 киши ёки 25,8 фоиз 30 ёшга тўлмаган йигит-қизлар; 32139 киши ёки 16,7 фоиз ВЛКСМ аъзоси ишлади.

Сайлов 10 та область, 148 та район, 124 та шаҳар, 17 та шаҳарлардаги район, 104 та посёлка ва 1245 та қишлоқ халқ депутатлари Советларида ўтказилди. Ўзбекистон ССР халқ депутатлари маҳаллий Советлари депутатлари сайловини ўтказиш учун 73514 та сайлов округи, шу жумладан, область Советларига сайлов ўтказувчи 2370 та, район Советларига сайлов ўтказувчи 11948 та, шаҳар Советларига сайлов ўтказувчи 8170 та, шаҳарлардаги район Советларига сайлов ўтказувчи 1543 та, посёлка Советларига сайлов ўтказувчи 3611 та, қишлоқ Советларига сайлов ўтказувчи 45872 та сайлов округлари тузилди.

Қорақалпоғистон АССР Олий Совети Президиуми, область ижроия комитетлари ва Тошкент шаҳар ижроия комитетидан олинган маълумотларга кўра, республика маҳаллий Советлари депутатлари сайловида 9.376.454 нафар сайловчи ёки сайловчилар умумий сонининг 93,4 фоизи қатнашди.

Советлар	жами сайловчилар	овоз беришда иштирок этганлар	фоиз ҳисобида
Область	8.243.611	7.824.355	94,9
Район	6.232.670	6.083.573	97,6
Шаҳар	4.239.475	3.715.720	87,6
Шаҳарлардаги район	1.641.990	1.349.055	82,2
Посёлка	434.287	393.289	90,6
Қишлоқ	5.740.365	5.307.109	92,5

Овоз бериш якунларига кўра, 2.071 область Советлари депутатлари, 11.549 район Советлари депутатлари, 7.222 шаҳар Советлари депутатлари, 1.321 шаҳарлардаги район Советлари депутатлари, 3.446 посёлка Советлари депутатлари, 45.391 қишлоқ Советлари депутатлари сайланди.

Сайловни ўтказиш чоғида ва овозлар саналаётганида сайлов Қонуни бузилгани сабабли округ сайлов комиссиялари район Советларига сайлов ўтказувчи тўрт сайлов округида, шаҳар Советларига сайлов ўтказувчи иккита ва қишлоқ Советларига сайлов ўтказувчи учта сайлов округида сайловни бекор қилдилар. Номзодлар кетиб қолиши муносабати билан 46 та сайлов округида сайлов бўлмади. Кўпи билан иккита депутатликка номзод овозга қўйилган 1.849 сайлов округида даъвогарлардан бирортаси ҳам сайланиш учун зарур миқдорда овоз ололмади. Барча ана шундай ҳолларда икки ой муддат ичида такрор сайлов ўтказилади.

Уч нафар ва ундан кўпроқ депутатликка номзод овозга қўйилган область Советларига сайлов ўтказувчи 138 та, район Советларига сайлов ўтказувчи 65 та, шаҳар Советларига сайлов ўтказувчи 268 та, шаҳарлардаги район Советларига сайлов ўтказувчи 76 та, посёлка Советларига сайлов ўтказувчи 25 та ҳамда қишлоқ Советларига сайлов ўтказувчи 38 та сайлов округида номзодлар овоз беришда иштирок этган тегишли округлардаги сайловчилар овозининг ярмидан кўпини олмадилар ва депутат этиб сайланмадилар. Мазкур округларнинг ҳар бирида икки ҳафта мобайнида 18 февраль куни сайловчиларнинг энг кўп овозини олган иккитадан номзод қайтадан овозга қўйилади.

Умуман, республика бўйича маҳаллий Советларнинг 71 минг депутати сайланди, улардан 15.850 киши ёки 22,3 фоизи ишчилар, 14.906 киши ёки 21 фоизи колхозчилардир. Сайланган депутатлардан 38.802 киши ёки 54,7 фоизи КПСС аъзоси ва КПСС аъзолигига кандидатлардир; 5.433 киши ёки 7,7 фоизи ВЛКСМ аъзоларидир; 17.546 киши ёки 24,7 фоизи хотин-қизлардир; 9.108 киши ёки 12,8 фоизи ёши 30 га тўлмаган йигит-қизлардир; 46.772 депутат ёки 65,9 фоизи биринчи марта сайланди.

Ўзбекистон ССР халқ депутатлари маҳаллий Советлари депутатлари сайлови республикада сиёсий система ислоҳотининг муҳим босқичларидан бири бўлди. Сайлов кампанияси жамиятимизда демократизм қарор топаётганлигини, Ўзбекистон меҳнаткашлари қайта қуриш вазифаларини амалга оширишга ўз ҳиссасини қўшишга интилаётганлигини тасдиқлади.

ЛЕКТОРЛАРНИНГ ВАЗИФАЛАРИ БЕЛГИЛАНДИ

КПСС Марказий Комитетининг партия XXVIII съездига Ҳаракат дастури моҳиятини, унинг қайта қуришга қаратилганлигини кенг меҳнаткашлар оммасига етказиш — партия фаоллари, жами лекторларимизнинг муҳим вазифасидир. Шунинг учун ҳам республика «Билим» жамияти ўзининг фаол аъзолари учун КПСС Марказий Комитетининг Ҳаракат дастури хусусида давра суҳбати ўтказди.

Учрашув қатнашчилари ҳузурида республиканинг етакчи олимлари — жамиятшунослар, снёсатшунослар, иқтисодчилар, ҳуқуқшунослар, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг ходимлари, москвалик олимлар сўзга чиқдилар. Кўпгина масалалар муҳокама қилинди. КПСС Марказий Комитетининг партия XXVIII съездига Ҳаракат дастурини тарғиб қилиш ва тушунтириш юзасидан вазифалар белгилаб олинди.

Суҳбатда КПСС Марказий Комитетининг масъул ходими Г. Т. Сташкевич қатнашди.

«Билим» жамияти лекторлар гуруҳларини тузди ва улар яқин кунларда меҳнат коллективларида КПСС Марказий Комитети Ҳаракат дастурини тушунтириш учун областларга жўнаб кетадилар.

(ЎзТАГ).

Қаттиқ жамоат тартиби ўрнатиш ва интизомни мустаҳкамлаш—меҳнаткашлар талаби

Йиғилишлар, митинглар, кўча юришлари ва намойишларни ташкил этиш ва ўтказишни тартибга солиш тўғрисида Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармонини ўртоқларим билан ўқиб, мамнун бўлдик. Фармон ўз вақтида қабул қилинди.

«Узбексельмаш» ишлаб чиқариш бирлашмасида турли миллат вакиллари меҳнат қиладилар. Партия ташкилоти омма билан доимий алоқани йўлга қўйганлиги туфайли коллективда амалий ишчанлик вазияти вужудга келди. Шу йилнинг бошидан бери корхона янги кўрак чувиш машиналарини ишлаб чиқаришга киришди. Бу машиналар аввалгиларидан анча унумлидир. Айни пайтда тозаланган тола сифати кескин яхшиланмоқда. Бироқ, коллектив ана шу машинани кўплаб ишлаб чиқаришда муайян қийинчиликларга дуч келмоқда. Турдош корхоналарнинг коллективлари баъзан панд бермоқдалар, ўзимизнинг муаммоларимиз ҳам анчагина. Шунинг учун бизнинг беҳуда гап сотишга вақтимиз йўқ. Ишлашимиз керак.

МИТИНГЛАР ЎТКАЗИШ ЭМАС, ИШЛАШ КЕРАК

Кейинги вақтда тарқалаётган турли миш-мишлар ва уйдирмалар ишчиларни саросимага солмоқда. Эртанги кунга ишончсизлик уйғотмоқда. Натижада ишга келмаслик ҳоллари тез-тез учраб турибди. Бунга тоқат қилиб бўлмайди.

Тошкент ва республика меҳнаткашларига мурожаат қилиб, митинглар ўтказиш билан овора бўлмай, балки амалий иш билан банд бўлайлик, қайта қуришга ўз ҳиссамизни қўшайлик, дейман.

В. РУТТО,
«Узбексельмаш» ишлаб чиқариш бирлашмасининг асбобсоз слесари.

(ЎзТАГ).

ВАЗМИНЛИК— ЯХШИ ФАЗИЛАТ

Корхонамиздагилар орасида, нисбатан ёшроқман. Икки фарзандим бор. Ота-онам билан бир ҳовлида яшаймиз. Уйимизда баланд овозда гаплашишни маъқул кўришмайди. Касбдошларим даврасида ҳам аксарият шундай тартибни, оғир-босиқликни кузатаман. Тўғри, иш юзасидан турли баҳслар, тортишувлар бўлади. Лекин ҳаммаси вазминлик билан ҳал этилиб келмоқда.

Бироқ айрим тенгдошларим бўлар-бўлмасга қизишиб, осон битадиган ишни ҳам чигаллаштириб юборадилар. Мен бу ўринда жанжалкаш, митингбоз, томоғига эўр бераётганларни кўзда тутяпман. Ҳар қандай зарур, долзарб ишни турмуш тарзимизга сингиб кетган қонун-қондалар, тартиб талаблари йўли билан рўёбга чиқариш мумкин-ку! Тартиббузарлик қилиш шартми?

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг «Ўзбекистон ССРда йиғилишлар, митинглар, кўча юришлари ва намойишларни ташкил этиш ва ўтказишни тартибга солиш тўғрисида»ги Фармонини кўпмиллатли автокомбинатимиз ишчилари ҳам маъқуллаб кутиб олишди. Биз иқтисодий ижтимоий муаммоларни фақат митинг ва намойишлар ўтказиш, иш ташлашлар йўли билан ҳал қилиш мумкин деганлар фаолиятини кескин қораламоқдамиз.

Очиғи, кейинги пайтда тинч ҳаётимизга, осуда меҳнат қилишимизга халақит бераётган кучлар пайдо бўлиб қолди. Улар ўз ғаразли манфаатлари, шуҳратпарастлик мақсадларини кўзлаб халқни бошқа оқим ўзанига буриб юборишга ҳаракат қилишяпти. Миллатлараро муносабатларга ўзгача тус бериб эҳтиросларни, ҳис-туйғуларни авж олдиришга уринишмоқда.

Эндиликда бундай хатти-ҳаракатларга йўл қўйиб ҳам, тоқат қилиб ҳам бўлмайди. Шундай экан, биз ишчилар уюшқоқлигимиз, интизом ва масъулиятга амал қилишимиз билан бирга қайта қуришга, тинч ҳаёт кечириб меҳнат қилишимизга халақит бераётган кишиларга қарши қатъий кураш олиб бормоғимиз лозим.

А. ШЕРМУҲАМЕДОВ,
Тошкентдаги 2-автокомбинат слесари.

КПСС Марказий Комитетининг партия XXVIII съездига Ҳаракат дастури лойиҳасини муҳокама қиламиз

Тошкентдаги «Миконд» заводи партия комитетида юқоридан кўрсатма кутиб ўтирмай, партиявий иш усул ва услубларини янгилаш, партия комитетининг коллектив ҳаётидаги ролини кучайтириш, шунингдек, коллектив бўлиб муҳокама қилиш орқали умуман партия ички ҳаётини демократиялаш, унинг жамиятдаги мавқеини белгилаб олиш, КПСС ва Ўзбекистон Компартиясининг навбатдаги съездларига тайёргарлик борасида муайян ишлар қилинган. Махсус мухбиримиз завод партия комитети секретари А. АЪЗАМХЎЖАЕВ билан ана шу тадбирлар ҳақида ҳамда унинг февраль Пленумидан, КПСС Марказий Комитетининг Ҳаракат дастуридан олган таассуротлари ҳақида суҳбатлашди.



ЯНГИЧА ҚАРАШЛАР ПОЙДЕВОРИ

— Алишер Анварович, февраль Пленумига қадар партиянинг ўз ички турмушида туб ўзгаришлар бўлмаётгани ҳақида қаттиқ танқидий гаплар айтилаётган эди. Мана энди бошланган янгиланиш ҳақида сиз қандай фикрдасиз?

— В. И. Ленин 1922 йилдаёқ: «Агар воқеликдан кўз юммас эканмиз, у ҳолда эътироф қилиш керакки, ҳозирги вақтда партиянинг пролетар сиёсати унинг состави билан эмас, балки эски партия гвардияси деб айтиш мумкин бўлган жуда юпқа қатламнинг ғоят катта, танҳо унга хос обрўси билан белгиланади», деб уқтирган эди. Бу сўзлар бугунги кунда ҳам кучли жаранглямоқда. Айнан ўша «жуда юпқа қатлам — партия гвардияси» қайта қуриш жараёнини бошлади. Мазкур жараёнга раҳбарлик қиладиган куч ҳам партиянинг ўзидир. Бироқ партия органлари ўз фаолияти ва ташкилий-тузилиш жиҳатлари ҳозиргидай ўзгармай қолган тақдирда бу ниҳоятда мураккаб вазифани бажара олармидилар?

Демократия ва ошкоралик йўлини эълон қилиб қўйганидан сўнг партиянинг ўзи ҳам бошланғич ташкилотдан то Марказий Комитетгача бўлган барча даражада ана шу жараёнларнинг олдида бормоғи лозим эди. Ваҳолонки, партия қайта қуриш бошланганидан буён жамиятни сифат жиҳатидан янгилаш учун қатъий, сабот билан курашиб келди-ю, лекин унинг ўз турмушида туб ўзгаришлар содир бўлмади. Менинг назаримда, февраль Пленуми ана шу катта қусурни бартараф этди. Партиянинг ички ҳаётида ҳам чинакам ўзгаришлар бошланди. Айтиш мумкинки, сиёсий қарашлар хилма-хиллигига асосланган янгича системага пойдевор қўйилди. Пленумда М. С. Горбачев қилган доклад ва бўлиб ўтган музокаралар, қабул қилинган қарорлар — партиянинг ўзидаги қайта қуриш сари ташланган дастлабки катта ва дадил қадамдир.

— Коллективингиз коммунистлари билан суҳбат чоғида улар партия комитети иш фаолиятида муайян изланишлар, иш усул ва услубларида ўзгаришлар борлиги ҳақида гапиришди. Булар қандай изланишлар?

— Заводимиз коммунистлари партия ҳаётида ана шундай муҳим Пленум бўлишини кўпдан бери кутаётган эди. Мен бугун коллективимизнинг коммунист, комсомол ва партиясиз аъзоларқ, ҳатто норасмий уюшмаларнинг вакиллари ҳам партиянинг жамиятдаги ўрни ва келажаги, ундаги янгиланиш билан қизиқиб-гина қолмай, балки бу жараённинг жадаллашишига мучайян даражада ўз ҳиссаларини ҳам қўшдилар, деб айтаоламан. Зотан, биз мазкур Пленумга ва КПСС XXVIII съездига жиддий тайёргарликни анча илгари бошлаган эдик. Ўтган йил бошиданоқ партия комитети ишчи коммунистлар, инженер-техник ходимлар билан алоҳида учрашувлар, юзлаб партия аъзолари билан якка тартибда суҳбатлар ўтказди, бир қатор партия ташкилотларида ҳозирги Устав юзасидан партия йиғилишлари, бюро мажлислари бўлиб ўтди. Сиёсий маориф кабинетида «Мунозара» клуби ташкил этилиб, унда партия ҳужжатлари, шунингдек, мамлакатимиздаги кўплаб бошланғич партия ташкилотларининг партия ички демократиясини янада такомиллаштиришга қаратилган таклифлари ўрганилди. Партияни демократиялаш масалалари юзасидан жуда жонли ва қизиқарли баҳс юритилди.

Ноябрь ойида эса «Келинг, очиқчасига гаплашайлик: бугунги партия қандай бўлиши керак?» деган ҳамма учун қизиқарли, ўзига хос мавзуда завод партия ташкилотининг очиқ йиғилишини ўтказдик. Коммунистлар, барча партиясиз фаоллар партия, унинг жамиятимизда тутган ўрни, партия ички ҳаётини янада ривожлантириш йўллари ҳақида чин дилдан, очиқчасига, қатъий ва принципиал суҳбатлашиб олдилар. Айниқса, КПСС Уставига ўзгартишлар киритиш, партия комитетлари аъзоларини, съезд ва конференцияларга делегатларни сайлаш тартиблари ҳақида қизғин мунозара бўлди. Бундан ташқари, шаҳардаги барча партия ташкилотларига КПСС ва Ўзбекистон Компартиясининг навбатдаги съездларига тайёргарлик ишларида фаол қатнашишга даъват этувчи мурожаатнома ҳам қабул қилдик.

Ана шу саъйи-ҳаракатлар натижасида партия ички демократияси ва ошкораликни янада ривожлантириш юзасидан конкрет, амалий таклифлар мажмуаси ишлаб чиқилиб, заводнинг барча коммунистлари эътиборига ҳавола қилинди. Мажмуада оз эмас: 400 дан зиёд таклиф ва мулоҳазалар ўз аксини топди. Биз ана шу таклифларимизни район партия комитетидан то КПСС Марказий Комитетигача турли даражадаги партия органларига юбордик. Коммунистларимиз куни кеча матбуотда эълон қилинган КПСС Марказий Комитетининг партия XXVIII съездига Ҳаракат дастурида ўз таклифлари ҳам ўрин олганлигидан бениҳоя мамнун бўляптилар.

— Ҳаракат дастурида партия давлат ҳокимияти ваколатларини ўз зиммасидан соқит қилиши, социалистик жамиятни янгилашни ёқлаб чиқаётганларнинг ҳаммаси билан сиёсий мулоқот ҳамда ҳамкорлик қилишга тайёр эканлиги алоҳида таъкидланган. Бу ҳақда сиз нималар дея оласиз?

— Биз ҳозир партиянинг раҳбарлик ролини сақлаб қолиш ва айни пайтда ҳокимиятни тўлалигича Советларга топшириш ҳақида ёўз юритяпмиз. Бундай мураккаб икки қоидани қай тариқа уйғунлаштириш мумкин? Шак-шубҳасиз, бунинг йўли битта, у ҳам бўлса жамоат ташкилотларига фақат мазкур ташкилотларда ишлайдиган коммунистлар орқали раҳбарлик қилиш тўғрисидаги ленинча принципларга қайтишдир.

Партия мамлакат Асосий қонунининг 6-моддаси юзасидан Қонун лойиҳаларини таклиф қилиш ташаббуси тартибида СССР халқ депутатлари съездига тегишли таклиф киритишга қарор қилганлигини мен тўла маъқуллайман. Зеро, бу модда бўлмаган тақдирда ҳам партияда бошқа барча жамоат ташкилотлари билан тенг сиёсий курашда, кўп партиявийлик шароитида ўз сиёсий авангардлик, етакчилик, раҳбарлик ролини сақлаб қолишга етарли қудратли куч бор. Партия ўз турмушида янгиланишни бошлаганлиги, воқеалар тез ривожланаётган ва ўзгариб турган жамиятда ўз ўрни ва ролини тўғри белгилашга шижоат билан киришганлиги бунга дастлабки кафолатдир.

Турли жамоат ташкилотлари ёки айтайлик, норасмий уюшмалар билан муносабатга келсак, мен нафақат Марказий Комитет, балки ҳар бир бошланғич ташкилот, партия комитети, райком, шаҳарком ёки обкомнинг ҳам маҳаллий шароитларни ҳисобга олиб тузилган бундай уюшмалар билан иш олиб бориш режаси бўлмоғи керак, деган фикрдаман. Буни мен ўз партия комитетимиз фаолиятидан келиб чиқиб айтяпман. Биз кейинги икки йилда норасмий уюшмалар, уларнинг вакиллари билан мунтазам равишда мулоқот олиб бордик, фаол ҳамкорлик қилдик. Натижада улар парткомни қўллаб-қувватлайдиган, у белгилаган тадбарларда қатнашадиган бўлдилар. Ҳатто «Бирлик» аъзоларидан 18 киши партия сафига кириш истагини ҳам билдирди. Бу бизни қувонтирадигина эмас, балки мақсад ва ниятларимиз муштараклашганини ҳам билдиради.

— Январь ойида сиз Тошкент область партия комитети делегацияси таркибида КПСС XXVIII съездига тайёргарлик, партиянинг янги Устави лойиҳаси ҳамда партияга қабул бўйича ўтказилаётган эксперимент масалалари юзасидан КПСС Марказий Комитетида масъул ходимлар билан ўтказилган кенгашда қатнашган экансиз. У ерда қандай мулоҳазалар билдирдингиз?

— Аввало, партия комитетимиз, коммунистларимиз партиядаги янгиланишга оз бўлсада амалий ҳисса қўшишга интилаётганликлари учун ҳам менга ана шундай кенгашда коллективимизнинг вакили сифатида қатнашишга ишонч билдирилди, деб ўйлайман. Мен у ерда партия комитетимиз олиб борган ишлар, у ишлаб чиққан таклифлар мажмуаси ҳақида гапирдим. Шунингдек, ўзимнинг ҳам учта таклифимни билдирдим. Биринчидан. XXVIII съезд муддатларини илгари суриб, уни икки босқичда ўтказишни, биринчи босқичда янги Устав лойиҳасини, турли даражадаги партия органларига аъзолар, съезд ва конференцияларга делегатлар сайлаш тартибларини муҳокама қилиб тасдиқлаб олишни, иккинчи босқичда эса: «Партия ичидаги ҳозирги аҳвол»ни кўриб чиқишни таклиф этдим.

Иккинчидан, партиянинг бутун фаолиятида ошкоралик кучайтирилиши, шу жумладан, партия бюджетлари қаерга ва нималарга сарфланаётганини барча коммунистлар билиши лозимлиги ҳақида сўзладим.

Учинчидан, партиянинг ўз турмушида демократик ўзгаришлар бўлмас экан, партияга қабул бўйича қўлланилаётган экспериментлар тўла самара бермаслигини айтдим.

Шуни алоҳида таъкидламоқчиманки, КПСС Марказий Комитетида ишчилар, колхозчилар, турли даражадаги масъул ходимлар билан ўтказиб келинган кўплаб учрашувлар, назаримда, партиянинг оддий коммунистлар билан маслаҳатлашуви, кечаги февраль Пленумига, Ҳаракат дастури лойиҳасига, партия XXVIII съездига тайёргарлик шаклларидан бири эди.

— Завод партия комитетининг съездолди режалари қандай!

— Февраль Пленумида маъқулланиб, умумхалқ муҳокамасига ҳавола этилган КПСС Марказий Комитетининг партия XXVIII съездига Ҳаракат дастури узоқ муддатга мўлжалланган катта режалардир. Коммунистларимиз бу ҳужжатни «Мунозара» сиёсий клубимизда қизғин муҳокама қилишга аллақачон киришдилар. Айниқса, унинг «Инсон — партия сиёсатининг негизида», «Кенг кўламдаги социалистик демократия ва халқнинг ўзини ўзи бошқариш сари», «Партияни янгилаш сари» каби бўлимлари кўпроқ қизиқиш уйғотди. Ҳозир барча бошланғич ташкилотларимиз, завод матбуоти ва радиосини ҳам муҳокама ва мунозарага фаол жалб этиш ишлари авж олдириб юборилди. Зеро, партиянинг бу муҳим ҳужжати билан дастлабки танишувдан олган таассуротларимизнинг ўзиёқ уни партия қуйи бўғинлари, ҳар бир коммунистнинг таклиф, фикр-мулоҳазалари билан бойитиш лозимлигидан далолат беради.

Бундан ташқари, биз ўтган йил бошида парткомнинг кенгайтирилган мажлисини ўтказиб, унда учта масалани асосий йўналиш-сифатида белгилаб олган эдик. Булар: ишчиларнинг меҳнат ва яшаш шароитларини яхшилаш, миллатлараро муносабатлардаги муаммоларни ҳал этиш, ҳар бир коммунистнинг ўз аниқ-равшан нуқтаи назари, ўз ҳаракат йўналишини белгилаб олиш кабилардир. Ана шу уч йўналишда саъйи-ҳаракатларни қатъий давом эттирган ҳолда партия съездига тайёргарликни кучайтирамиз. Бироқ, барча муаммоларни бир йўла съездда ҳал қилиб олиш мумкин, деб ўйлаш ҳам нотўғри бўлур эди. Шу боис барча партия ташкилотларимизда партиянинг жамиятдаги ўрни ва роли, уни демократиялаш, янгилашнинг йўлларини, Ҳаракат дастурини янада кенг муҳокама қилиб, барча қарама-қарши фикрлар, нуқтан назарларни ҳам ҳисобга олиб, КПСС XXVIII съездига амалий таклифлар ва дастурлар билан чиқиш ниятидамиз. Бу партия ташкилотимиз, барча коммунистларимизнинг партияни янгилаш ва демократиялашга қўшган ўз улушлари бўлади.

Суҳбатни «Совет Ўзбекистони» махсус мухбири О. НАЗАРОВ олиб борди.

БАЙРАМ ШАРАФИГА

22 февраль куни Москва меҳнаткашлари ва пойтахт гарнизони жангчилари вакилларининг Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз Флотининг 72 йиллигига бағишланган тантанали йиғилиши бўлди.

В. И. Воротников, Л. Н. Зайков, В. А. Крючков, В. А. Медведев, Э. А. Шеварднадзе, Б. К. Пуго, Д. Т. Язов, О. Д. Бакланов, СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари И. С. Белоусов, КПСС Москва шаҳар комитетининг биринчи секретари Ю. А. Прокофьев, бир қанча министрликлар ва идораларнинг раҳбарлари, ҳарбий бошлиқлар, партия, совет ва жамоат ташкилотларининг вакиллари, уруш, қуролли кучлар ва меҳнат ветеранлари президиумдан жой оладилар.

Йиғилиш қатнашчилари ҳузурида СССР мудофаа министрининг биринчи ўринбосари армия генерали П. Г. Лушев нутқ сўзлади.

(ТАСС).

СОҲИБЛИК ТУЙҒУСИНИ УЙҒОТИБ

ОЛМАОТА, 22 февраль. (ҚозТАГ—ТАСС). Бугун бу ерда Қозоғистон ССР Олий Советининг сессияси бўлиб ўтди. Сессияда депутатлар ижара ва деҳқончилик хўжалиги тўғрисидаги қонунлар лойиҳасини муҳокама қилдилар. Мазкур қонунлар ҳар бир меҳнат коллективига ва деҳқонларнинг бирмунча фаолроқ қисмига хўжайинлик туйғусини, тўла иқтисодий мустақилликни қарор топтиришга ёрдам беради. Бу қонунларнинг кучга кириши билан, дейишди сўзга чиққан кишилар, одамлар лоқайдликка чек қўйиб, манфаатли ижодий меҳнат туфайли ижтимоий ишлаб чиқаришни жўшқин ривожлантиришни таъминлай оладилар.

Янгиланиш жараёнлари Қозоғистоннинг хўжалик турмуши соҳаларига янада чуқурроқ кириб бормоқда. Ҳозирги беш йилликда ижтимоий-иқтисодий вазиятни муайян даражада яхшилашга, халқ хўжалигининг устун соҳаларида силжишга муваффақ бўлинди.

Айни вақтда моддий-техника ресурслари асосий турлари билан таъминланиш анча камайди. Республика иқтисодиётини бошқариш системаси ислоҳотга муҳтож. Янги қонунларнинг лойиҳалари туб ижтимоий-иқтисодий ўзгартишлар пойдеворини яратишга ҳам ёрдам бериши керак.

Сессия қатнашчилари Қозоғистон ССРнинг ижара тўғрисидаги Қонунини қабул қилдилар. Деҳқон хўжалиги тўғрисидаги Қонун лойиҳаси маъқулланди ва умумхалқ муҳокамаси учун матбуотда эълон қилинади.

Сессияда ташкилий масала кўрилди. М. Р. Сагдиев пенсияга чиққанлиги муносабати билан у республика Олий Совети Президиумининг Раиси вазифасидан озод этилди. Қозоғистон ССР Конституциясига илгари киритилган ўзгаришлар ва қўшимчаларга мувофиқ Қозоғистон ССР Олий Совети Раисининг сайлови бўлиб ўтди. Қозоғистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Н. А. Назарбоев республика Олий Советининг Раиси этиб сайланди.

Украина Компартияси Марказий Комитетининг пленуми

КИЕВ, 22 февраль. (РАТАУ—ТАСС). Бугун бу ерда Украина Компартияси Марказий Комитетининг кенгайтирилган пленуми бўлди. Пленум ҳозирги пайт тўғрисидаги масалани муҳокама қилди. Унинг қатнашчилари республикадаги ижтимоий-сиёсий вазият ғоят кескинлашганлигини айтдилар. Конкрет ижтимоий-иқтисодий программага эга бўлмай, партияга ва социализмга тўғридан-тўғри ва ошкора ҳужум қилиб, ҳокимиятни эгаллашга жон-жаҳди билан уринаётган кишилар тобора фаолроқ ўзларини намоён этмоқдалар. Иқтисодий ислоҳотни амалга оширишда изчилликнинг йўқлиги, хўжасизлик, тақчиллик ва пулнинг қадрсизланиши аҳволни янада кескинлаштирмоқда. Социал табақаланиш, қонунларга нисбатан ҳурматсизлик кучаймоқда, аҳлоқ, интизом ва тартиб сусайиб кетмоқда, чайқовчилик ва жиноятчилик авж олмоқда.

Афсуски, деб таъкидланди пленумда, бир қанча партия комитетлари ва ташкилотлари сиёсий жиҳатдан саросимага тушаётганликларини, сиёсий вазият ўзгаришини ўз вақтида ва теран англай олмаётганликларини намоён этмоқдалар, янги вазифаларни эскича усулларда ҳал этишга интилмоқдалар. Марказ билан маҳаллий идоралар ўртасида, партия комитетлари билан оддий коммунистлар ўртасида узилиш сезилиб қолди.

Пленум вазиятни барқарорлаштиришга оид кескин чоралар кўрилиши, коммунистлар, бутун халқ бирлашиши зарурлигини таъкидлади, партия комитетларида ва ташкилотларида митинглар ўтказиш ва куч билан тазйиқ ўтказишнинг бошқа шаклларини авж олдириш йўли билан қайта қуриш жараёнини барбод этишга уринишларни қоралади.

Украина ССРкинг суверенитети ва ўз-ўзини бошқаруви тўғрисидаги қонунни ишлаб чиқишни ва қабул қилишни жадаллаштириш, шартнома муносабатларига қатъий риоя этилишига эришиш ҳамда идоравий тазйиқ ўтказишга қатъиян қаршилик кўрсатиш зарурлиги айтилди.

Пленум иштирокчилари партия сафларини ғоявий ва ташкилий жиҳатдан мустаҳкамлаш, коммунистларнинг ҳаракат бирлиги, партиявий ўртоқлик, халқ билан алоқани кучайтириш ҳозирги вақтда алоҳида аҳамият касб этади, деган яқдил фикр билдирдилар. Амалда ўзини партиядан четга олган, унинг программавий мақсадларини қўллаб-қувватламаётган кишилар билан алоқани узиш зарур. КПСС XXVIII съездига тайёргарлик чоғида бошланғич партия ташкилотларида ҳар бир партия аъзосининг ғоявий-сиёсий позициясига баҳо беришга қарор қилинди.

Пленум ҳозирги пайт тўғрисида қарор, шунингдек миллатлараро муносабатлар замирида кескинлик авж олдирилишига қарши ҳамда Украина халқлари билан СССР Қуролли Кучлари ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлаш тўғрисида резолюциялар қабул қилди.

Пленумда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Украина Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари В. А. Ивашко нутқ сўзлади.

Комиссиянинг навбатдаги мажлисида

Т. Х. Гдлян билан Н. В. Иванов тўғрисидаги уйдирмалар ҳамда миш-мишлар тез орада барҳам топиб, жамоатчилик СССР Олий Советининг улар фаолияти билан боғлиқ материалларни текшириш комиссияси бажарган ишлар натижалари билан танишиш имкониятига эга бўладиганга ўхшайди. 22 февраль куни комиссия ўзининг навбатдаги мажлисига тўпланди. Бу галги мажлисда СССРнинг собиқ бош прокурори А. М. Рекунков ва ўринбосарларининг ахборотлари тингланди.

Агар бугунги мажлис якуни фоизлаб ҳисобланадиган бўлса, деди комиссия ҳамраисларидан бири В. А. Ярин ТАСС мухбирига, шахсан мени мажлис якунининг 60 фоизи қониқтирди. Ҳолбуки, комиссиянинг таклиф этилган аъзолари ўртага қўйган кўпгина саволларга янада аниқ-равшан жавоб олишни истаган эдик. Тўғри, биз аниқ қилиб қўйилган саволдан моҳирлик билаб четлаб ўта оладиган мутахассислар билан суҳбатлашяпмиз.

Умуман комиссиянинг ишига келганда, у фаолиятимиз бошланганидагига нисбатан анча яхшироқ ва самаралироқ бормоқда. Таҳриба ҳам орттирдик, таҳлил қилиниши мумкин бўлган кўплаб ахборотлар тўпланди. Дарвоқе, кўпгина ҳужжатлардан фойдаланиш мумкин бўлиб қолди, илгари бундай бўлмаган эди. Халқ депутатлари иккинчи Съездининг комиссия ишининг узил-кесил якунлари тўғрисида маълум қилишга оид топшириқлари тез орада бажарилади, деб ўйлайман.

(ТАСС мухбири).

ЖАНГЧИЛАРГА ҚАРШИ ИҒВОГАРЛИК

ВИЛЬНЮС, 22 февраль. (ТАСС мухбири). Республика матбуотида Литва ССР Давлат хавфсизлиги комитети матбуот бюросининг ахбороти эълон қилинди. Ахборотда илгари «Республика» газетасида босилган Алитус районида ҳарбий хизматчилар колоннаси ўққа тутилгани ҳақидаги хабар тасдиқланади. Ўтиб бораётган ВАЗ—2106 (давлат номери аниқланмаган) автомобилидан уч марта ўқ узилди.

Хабарда сўнгги вақтда республикада ана шунга ўхшаш бошқа можаролар ҳам қайд этилганлиги айтилади. Масалан 1989 йил март ойида Калварияда жойлашган ҳарбий қисм омборларининг соқчилари постига ҳужум қилинган. Август ойида ўша ерда автомобилдан аскарлар гуруҳига қарата ўқ узилган. 19 августда Паневежисда жойлашган ҳарбий қисм омбори ўққа тутилди. Сентябрда бир гуруҳ маст йигитлар Укмергидаги ҳарбий қисм соқчисини тошбўрон қилдилар.

Республикада ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оилалари аъзоларини ҳақорат қилиш фактлари кўпайганлиги таъкидланмоқда. Буларнинг ҳаммаси ҳарбий коллективлардаги руҳий вазиятга таъсир қилмай қолмайди. Ҳарбий коллективларда кескинлик кучаймоқда. Ўқ отишга қарши ўқ узиш билан жавоб бериш ҳоллари бўлди. Яхшиямки, шу вақтгача ҳеч ким жабр кўрмади.

Литва ССР Давлат хавфсизлиги комитети ҳарбий қисмларнинг раҳбарлари, ички ишлар органлари, республика прокуратураси билан биргаликда бундай ҳодисаларнинг тафсилотларини, уларнинг сабаблари ва мақсадларини текширмоқда. Бир неча айбдор шахс маъмурий жавобгарликка тортилди. Ахборотда республикадаги мураккаб сиёсий вазият муносабати билан ҳарбий хизматчиларга қарши қаратилган иғвогарликлар оғир оқибатларни келтириб чиқариши мумкинлиги таъкидланади. Оммавий ахборот воситалари, жамоат ташкилотлари ва ҳаракатлари, шунингдек гражданлар бундай хатти-ҳаракатларни ва уларнинг ижрочиларини қоралайдилар, деб умид билдирилади.

Бундай фикрга қўшилиш мумкин, лекин ўзимизга бир савол бериб кўрайлик: ҳозирги вақтда республикада Совет Армиясига берилаётган баҳолар юз берган вазиятга таъсир қилмадимикан? Ахир сиёсий ҳаракатлар ва партияларнинг кўпи Совет Армиясини оқибатини ўйламай-нетмай «босқинчи» деб ҳисобламоқда. Литва ССР Олий Советининг «Республикада СССР Қуролли Кучларининг мақоми ва Литва ССР гражданларининг ҳарбий хизмати тўғрисида»ги қарорида Литва ССР территориясида Совет Армиясининг туриши гўё ҳуқуқий жиҳатдан асосли эмас, дейилади. Ана шу қарорда Литва ССР прокурори зиммасига Литва ССР Олий Совети Президиумининг розилигисиз қуролли кучларда хизмат қилаётган ва уларга нисбатан зўравонлик содир этилиши натижасида ҳарбий қисмлардан кетиб қолаётган Литва ССР гражданларига нисбатан қўзғатилган жиноий ишларни СССР ҳарбий прокуратурасига топширмаслик вазифаси юклатилган.

Жамоатчилик фикрини ана шундай йўналишда шакллантириш шунга олиб келдики, кузги хизматга чақириш давомида армияга чақирилувчилардан 46 киши ҳарбий хизматдан бош тортди. Илғари хизматга чақирилган кўпгина ҳарбий хизматчилар ўз ҳарбий қисмларидан ўзбошимчалик билан чиқиб кетдилар. Литвада жойлашган ҳарбий қисмларга қарши қаратилган можароларнинг илдизини чамаси мураккаб сиёсий вазият юз беришига кўп жиҳатдан сабаб бўлган айни ана шундай кайфиятлардан излаш керак.

• Газеталар саҳифаларида

ДЎСТЛИККА БАҒИШЛАНДИ

Каттақўрғон ва Когон республикамизнинг байналмилал шаҳарларидан. Уларнинг иккаласида ҳам халқлар дўстлигини ривожлантиришда яхши тажриба тўпланган.

Каттақўрғон шаҳри ва Когон райони **«Зарафшон»** ва **«Коммунистик меҳнат учун»** газеталарининг қўшма сони мана шу байналмилал дўстликка бағишланди.

Газетада Каттақўрғон шаҳар ва Когон район партия комитетларининг биринчи секретарлари С. Раҳимова, З. Шарипов ўз мақолалари билан қатнашиб, партия ташкилотлари байналмилал тарбияни такомиллаштириш соҳасида тўплаган тажриба билан ўртоқлашдилар.

Шунингдек, газетада «Ўзбекбирлашув» Каттақўрғон районлараро кўчма механизациялашган колоннаси бошланғич партия ташкилотининг секретари Ш. Маҳмудов, Когон пахта тозалаш заводи бош инженери С. Қурбонов ва бошқа жамоатчи муаллифларнинг хабар ва мақолалари ўрин олган. Газетанинг тўртинчи саҳифасида когонлик ва каттақўрғонлик қаламкашлар мушоираси босилган. Иккала газета журналистлари келгусида ўзаро алоқаларни янада мустаҳкамлашга аҳд қилдилар.



• Муаммони ким ҳал этади?

ИШ ПАЙТИДА ГУРУНГ

Ҳа, Намангандаги «Электротерм» Ўзбекистон илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош заводи ишчилари иш пайтида гурунглашиб чойхўрлик қилишяпти. Биринчи сурат шундан гувоҳлик беради. Аммо биз уларни виждонсизликда, дангасаликда айблай олмаймиз. Чунки, электрокалорифер қурилмаларини йиғувчи бош конвейер (иккинчи сурат) ҳамда кенг истеъмол моллари ишлаб чиқарувчи конвейер тўхтатиб қўйилган.

Албатта, сиз ҳурматли газетхонларни унинг сабаби қизиқтириши турган гап. Чунки, корхонада ресурслар ва бутловчи деталлар йўқ. Одамлар ҳар куни ишга чиқишади. Бироқ, нима билан шуғулланишни билмай ё чойхўрлик қилишади ё шашка суришади.

— Улар ҳозирча ишга келиб туришибди, — дейди бирлашманинг бош директори Ҳамидхон Нажмиддинов. — Агар аҳвол ўнгланмаса ишчиларнинг кўпи бўшаб кетишга мажбур бўлишади. Гап шундаки, тасдиқланган беш йиллик планга кўра, бош корхонамиз йилига 41625 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш даражасига кўтарилиши керак эди. СССР Моддий-техника таъминоти давлат комитети, СССР Электртехника саноати ва приборсозлик министрлиги бизларни мана шунча маҳсулотнинг атиги учдан икки қисмига етадиган бутловчи қисмлар билан таъминлаяпти, холос. Ҳар бир ишчи йилига 20 минг сўмлик маҳсулот тайёрлашини ҳисобга оладиган бўлсак, у ҳолда ё 540 нафар кишини қисқартиришимиз, ёки иш ҳақини камайтиришимиз керак. Биз бу йўлдан бора олмаймиз. Чунки, СССР Министрлар Советининг Фарғонадаги маълум воқеадан сўнг, 1989 йил 28 октябрдаги қарори бор. Унга кўра, бирлашмамиз қўшимча равишда 300 кишини ишга олиши ҳамда маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириши лозим.

Буюмлар тайёрлашни кўпайтиришнинг иложи бўлмаяпти. Аксинча, Ноқоратупроқ ўлкаси ва мамлакатнинг бошқа регионларидаги чорвачилик комплекслари учун электрокалорифер қурилмалари етказиб беришда бот-бот узилишга йўл қўймоқда. Маълумки, «Электротерм» Ўзбекистон илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси мамлакатда шундай маҳсулот ишлаб чиқарувчи асосий корхоналардан биридир. Бизга мамлакатимизнинг барча қисмларида жойлашган таъминотчи корхоналар бутловчи деталларни етказиб бериши керак. Улар орасида «Уфасельмаш», «Средазкабель», Кемерово электр техника заводи каби йирик корхоналар бор. Биз уларга кетма-кет хатлар ва телеграммалар юборяпмиз.

Директор шикоят хатлари билан чекланиб қолаётгани йўқ. У таъминотчилар ҳузурига бир неча марта бориб келди. Фойдаси бўлмаяпти. СССР Моддий-техника таъминоти давлат комитети билан СССР Электр техника саноати ва асбобсозлик министрлиги фонд ажратганда эди, корхонанинг ўзи ҳам планни бир амаллаб уддалай оларди.

Ҳ. Нажмиддинов юқори ташкилотлар ҳузурига қатнашдан чарчамаяпти. У СССР Министрлар Советига ва республика ҳукуматига мурожаат қилди. СССР халқ депутатлари I съездига мактуб йўллади. Ҳеч кимдан садо чиқмаяпти. Боши берк кўчадан чиқишнинг имкониятлари, эҳтимол, ҳали тугамагандир. Ҳозирча эса қуруқ ваъдалар-у тўхтаб ётган конвейерлардан бошқа нарса кўринмаяпти.

А. КОВТУН суратлари (ЎзТАГ).

«Известия ЦК КПСС» журналининг навбатдаги сони

«Известия ЦК КПСС» журналининг иккинчи сони босилиб чиқди ва муштарийларга юборилмоқда. Журнал партия Марказий Комитетининг 1990 йил январдаги иши тўғрисидаги ахборот билан очилади, гражданларни КПСС Марказий Комитети умумий бўлимининг маълумот-қабулхонасида КПСС Марказий Комитети аъзолари ва аъзолигига номзодлар томонидан қабул этишнинг Марказий Комитет Сиёсий бюроси маъқуллаган графиги эълон қилинган. Марказий Комитет Секретариатининг фан-техника тараққиётини бошқариш муаммолари юзасидан Бутуниттифоқ илмий-амалий конференциясини ўтказиш тўғрисидаги, Шимол, Сибирь ва Узоқ Шарқдаги оз сонли халқлар вакилларининг съезди ҳақидаги қарорларини ҳам шу ерда ўқийсиз. КПСС Марказий Комитети Россия Бюросининг дастлабки қарорлари — Россиянинг иқтисодий суверенитети концепцияси тўғрисидаги, РСФСРда республика халқ депутатлари ва маҳаллий Советларга сайлов кампаниясининг бориши ҳақидаги қарорлар, шунингдек, КПСС Марказий Комитетининг илгари қабул этилган бир қанча қарорлари қандай бажарилаётганлиги тўғрисидаги хабарлар ҳам босилган.

КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги Партия назорати комитетининг ахбороти Ўзбекистон қайта ишлаш корхоналарида импорт машина-ускуналарни ўзлаштиришда аниқланган камчиликлар билан, Смоленск областининг бир қанча партия ташкилотларидаги партиявий ишни қайта қуриш қандай бораётганлигини таҳлил этиш билан боғлиқ бўлган ишлар кўриб чиқилганлигини тасвирлайди, шунингдек СССР Темир йўллар министрлиги парткомининг ишини текшириш, 38 та шикоят аризасини кўриб чиқиш натижалари ҳам хабар қилинган.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси комиссиясининг материаллари «Слепков ва бошқаларнинг партияга қарши ўнглар аксилинқилобий гуруҳи («Бухарин мактаби»)» деб аталган ишга бағишланган.

«КПСС XXVIII съездига» бўлими КПССнинг янги Устави хусусида Марказий Комитетга тушган таклифлар билан, Украина партия ташкилотларидаги мунозара қандай бораётганлиги билан таништиради, КПСС Марказий Комитетига юборилган хатлардан сатрлар эълон қилади.

Журнал РСФСР партия ташкилотлари тўғрисида 1990 йил 1 январгача бўлган статистика маълумотларини, партия ташкилотларидаги ҳисобот ва сайловларнинг якунлари тўғрисидаги ахборотни, КПСС Марказий Комитетининг газеталари ва журналлари, КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги муассасалар тўғрисидаги маълумотларни, партиянинг кадрлар корпусидаги ўзгаришлар ҳақидаги, 1990 йилда «Известия ЦК КПСС» журналига республикаларда, мамлакат ўлкалари, областларида ва чет элларда қандай обуна бўлинганлиги ҳақидаги маълумотларни, КПССнинг халқаро алоқалар хроникасини, Н. А. Угловнинг сиёсий портретига оид материалларни, журналхонларнинг саволларига жавобларни, ноёб фотоҳужжатларни эълон қилган.

«КПСС Марказий Комитетининг почтаси» бўлимига ишчилар, деҳқонлар ва инженер-техник ходимлардан қайта қуриш, мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти масалалари юзасидан тушган хатлар, меҳнаткашларнинг КПСС Марказий Комитети умумий бўлими маълумот-қабулхонасига юборган аризаларини кўриб чиқишга оид материаллар киритилган.

Журналнинг архив бўлимида Марказий Комитетнинг 1919 йил июль-сентябрдаги фаолияти хроникаси берилган, унда РКП(Б) Марказий Комитети Пленумларининг биринчи марта эълон қилинаётган учта протоколи бор. «Улуғ Ватан уруши тарихидан» рубрикаси остидаги материалларни эълон қилиш давом эттирилган. Шу рубрика остида олий партия ва давлат органларининг 1940 йил май — 1941 йил 21 июндаги қарорлари, Германиянинг урушга тайёргарлиги тўғрисида хабар қилувчи бир қанча ҳужжатлар босилган. Бўлим охирида «Известия ЦК РКП(Б)»нинг 1920 йил мартдаги иккита сони обзори босилган.

* * *

«Известия ЦК КПСС» журналининг учинчи — март сонида КПСС Марказий Комитети Пленумининг 1990 йил 7 февралда бўлиб ўтган мажлиси стенография ёзуви эълон қилиннади, ўша мажлисдаПленум таҳрир комиссиясининг КПСС Марказий Комитетининг партия XXVIII съездига Ҳаракат дастури лойиҳасини қўшимча равишда ишлаб чиқиш тўғрисидаги ахбороти муҳокама қилинган эди.

Журналнинг шундан кейинги сонларида КПСС Марказий Комитетининг 1989 йил 9 ва 25-26 декабрь кунлари бўлиб ўтган Пленумлари стенография ҳисоботлари босилади.

* * *

«Известия ЦК КПСС» журналининг муштарийларига 1989 йилдаги 12-сонга илова ҳам юборилади. Унда «Известия ЦК РКП(Б)»нинг 1919 йилдаги сонлари тўла матни эълон қилинган.

(ТАСС).

ҚИШКИ ЎРИМ

Қарши районидаги «Прогресс» совхози озуқакорлари тритикале ўримини қизитиб юборишди. Умуман хўжаликда яшил озуқа конвейери йил бўйи ишлаб туради. Шунинг учун ҳам бу ердаги 5 мингдан ортиқ қорамол тўқ ва соғлом. Хўжалик асосан гўшт етиштиришга ихтисослашган. Маълумки, қорамоллар сервитамин озуқа билан боқилса, уларнинг маҳсулдорлиги ҳамиша юқори бўлади. Шунинг учун ҳам совхоз ўтган йили ярим миллион сўмдан зиёд соф даромад кўрди. Эндиликда бу кўрсаткич янада зиёд бўлиши кутилмоқда.

Суратларда: 1. Озуқакорлик бригадаси бошлиғи Холмурод Қурбонов. 2. Совхоз далаларида қишки тритикале ўрими.

Ш. ШАРОПОВ суратлари (ЎзТАГ).

ТВ · ҲАФТАЛИК · ПРОГРАММА

• 26 февраль, душанба

УзТВ-I. 17.00 Телефильм. 17.30 Рақсга тушишни хоҳлайман 18.05 Қувноқлар даврасида. 18.35 «Ёшлик». 19.15 СССР халқ депутати А. Абдураҳимов билан суҳбат. 19.30 Ахборот. 19.50 Концерт. 20.20 Долзарб мавзу. 20.30 Ахборот. 20.50 Хотира 21.25 Кинолавҳа. 21.30 Время 22.00 «Ахборот» танқид қилади. 22.15 «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи». 23.15 Янгиликлар.

МТ-I. 7.00 «120 минут». 9.05 Мультфильм. 9.10 «Ҳаваскорлар». Бадиий фильм. 10.15 Концерт. 10.40 Инсон ва қонун 11.55 Ҳайвонот оламида. 16.10 Компьютер билан мулоқот 16.55 Болалар соати. 17.55 Босқичлар. 18.55 Коллаж. 19.00 Время. 19.30 Адабий-бадиий кўрсатув. 21.30 Время. 22.00 «Қуёшли шамол». Бадиий фильм. 4-боб. 23.15 Киноконцерт.

МТ-II. 9.00 Гимнастика. 9.15 Объективда — жониворлар. 9.35 ва 10.35 Адабиёт. 10.05 Италян тили. 11.05 Илмий-оммабоп фильм. 11.35 ва 12.35 Тарих. 12.05 Коинотнинг Қизил китоби. 13.05 Юлдузлар туркуми». Бадиий фильм. 17.15 Биатлон. Жаҳон чемпионати. 18.15 Конькида югуриш. 19.00 Время. 19.30 Ўзбекистон ССР Давлат телерадиоси. 20.20 «Шарқий Сибирь». Киножурнал. 20.30 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.45 Фристайл. 21.05 Ҳужжатли фильм. 21.30 «Юрмала-90». 24.00 Хоккей. СССР чемпионати.

• 27 февраль, сешанба

УзТВ-I. 11.30 Ўзбек мактабларида рус адабиёти. 12.00 Телефильм. 12.30 Физика. 17.00 Сиз севган қаҳрамонлар. 18.05 Мультфильм. 18.15 Турар жой — 2000. 18.50 Ғалабанинг 45 йиллигига. 19.30 Ахборот. 19.50 Ву сирли олам. 20.30 Ахборот. 20.50 Концерт. 21.20 КПСС Марказий Комитетининг Ҳаракат дастури лойиҳасини муҳокама қиламиз. 21.30 Время. 22.00 Кино, кино, кино. 23.15 Драматик актёрлар куйлайди.

МТ-I. 7.00 «120 минут». 9.05 Мультфильмлар. 9.30 «Қуёшли шамол». Бадиий фильм. 4-боб 10.45 Киноконцерт. 11.35 Болалар соати. 12.25 Ву бўлган... бўлганди. 12.55 Коллаж. 13.00 Время. 16.55 Учрашувдан кейин учрашув. 17.25 ТелеЭКО журнали. 17.55 Бор бўл, мусиқа! 18.40 Мультфильм. 19.00 Время. 19.30 Ёшлар хабарномаси. 20.00 Кинопанорама. 21.30 Время. 22.00 Долзарб интервью. 22.10 Қуёшли шамол. Бадиий фильм. 5-боб.

МТ-II. 9.00 Гимнастика. 9.15 Объективда — жониворлар. 9.35 ва 10.35 Оилавий турмуш этикаси ва психологияси. 10.05 ва 11.05 Француз тили. 11.35 ва 12.35 Тарих. 12.05 Коинотнинг Қизил китоби. 13.05 Юлдузлар туркуми». Бадиий фильм. 17.15 Биатлон. Жаҳон чемпионати. 18.15 Конькида югуриш. 19.00 Время. 19.30 Ўзбекистон ССР Давлат телерадиоси. 20.20 «Шарқий Сибирь». Киножурнал. 20.30 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.45 Фристайл. 21.05 Ҳужжатли фильм. 21.30 «Юрмала-90». 24.00 Хоккей. СССР чемпионати.

• 28 февраль, чоршанба

УзТВ-I. 11.30 ЎзССР тарихи. 12.00 Телефильм. 12.30 ЎзССР тарихи. 17.00 Телефильм. 17.30 Иқтисодий билимлар мактаби. 18.05 Компьютер сабоқлари. 18.30 Қишлоқ ҳақида ўйлар. 19.30 Ахборот. 19.50 Ўлкамизни боғ-роғларга айлантирайлик. 20.30 Ахборот. 20.50 Ўзбек куйларидан концерт. 21.30 Время. 22.00 Кинозкран янгиликлари. 23.00 Телевизион миниатюралар театри.

МТ-I. 7.00 «120 минут». 9.00 Бор бўл, мусиқа! 9.45 «Қуёшли шамол». Бадиий фильм. 5-боб 11.00 Босқичлар. 12.00 Камалак. 12.20 Келинг... Лопасня бекати... 13.00 Время. 17.00 Ғалабанинг 45 йиллигига. 17.55 Болалар соати. 18.55 Коллаж. 19.00 Ахборот. 19.30 Долзарб интервью. 19.40 Фильм-концерт. 20.25 Ҳужжатли фильм. 20.35 Концерт. 20.45 Телеочерк. 21.30 Время. 22.00 Қайта қуриш: муаммолар ва ечимлар. 23.15 «Қуёшли шамол». Бадиий фильм. 6-боб. 00.25 Бизнинг мерос.

МТ-II. 9.00 Гимнастика. 9.15 Илмий-оммабоп фильм. 9.35 ва 10.35 Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари. 10.05 ва 11.05 Немис тили. 11.35 ва 12.35 Мусиқа. 12.05 Илмий-оммабоп фильмлар. 13.05 «Виждон». Бадиий фильм. 3-серия 14.30 Фильм-концерт. 15.40 Қувноқ стартлар. 17.30 «Мартен Иден». Телеспектакль. 1-қисм. 18.30 Иттифоқдош республикалар кинопублицистикаси. 19.00 Время. 19.30 РСФСР шаҳарлари телестудиялари. 20.10 Коллаж. 20.15 Ёшлик куйлайди ва рақсга тушади. 20.30 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.45 СССР Олий Совети сессиясида.

• 1 март, пайшанба

УзТВ-I. 11.30 Фильм-концерт. 12.00 Телефильм. 12.30 «Миттивой». Спектакль. 17.00 Телефильмлар. 18.05 Мультфильм. 18.15 Алифбо сабоқлари. 18.50 Сув — ҳаёт манбаи. 19.30 Ахборот. 19.45 Узоқ ва яқин Африка. 20.30 Ахборот. 20.50 «Сен баҳорни соғинмадингми?». 21.30 Время. 22.00 ЎзССР халқ депутатлари ва маҳаллий Советларига сайловлар якунлари. 22.15 Ўзбекистон ССР халқ артисти Саттор Ярашев. 22.35 Янгиликлар.

МТ-I. 7.00 «120 минут». 9.05 Қувноқ стартлар. 9.45 «Қуёшли шамол». Бадиий фильм. 6-боб 10.55 Саёҳатчилар клуби. 11.55 Болалар соати. 12.55 Коллаж. 13.00 Время. 17.30 Марокаш куйлари. 17.20 Мультфильм. 17.30 Россия сайловлар арафасида. 19.00 Время. 19.30 ...16 ёшгача ва ундан катталар. 20.15 Мультфильм. 20.20 «Зинапоялар тагида». Бадиий фильм. 21.30 Время. 22.00 Долзарб интервью. 22.10 Эфирда мусиқа.

МТ-II. 9.00 Гимнастика. 9.15 Илмий-оммабоп фильм. 9.35 ва 10.35 Биология. 10.05 ва 11.05 Испан тили. 11.35 ва 12.35 Биология. 12.05 Рус тили. 13.05 «Виждон». Бадиий фильм. 4-серия. 14.20 Ритмик гимнастика. 14.50 Ҳужжатли фильм. 15.30 «Коинот иродаси». Бадиий фильм. 17.30 «Мартен Иден». Телеспектакль. 2-қисм. 18.40 «Пар, нас сари бир босқич». 18.55 Коллаж. 19.00 Время. 19.30 Туркманистоннинг тоғликлари. 20.30 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.45 СССР Олий Совети сессиясида. 21.30 Ҳужжатли фильм. 22.00 «Бир боқишда сеғиб қолди». Бадиий фильм. 23.20 Ҳужжатли фильм. 24.00 Сузиш. СССР чемпионати. 00.30 «Вертикаль». Ҳужжатли фильм.

• 2 март, жума

УзТВ-I. 11.30 Телефильм. 12.30 «Нофелет қаерда?». Бадиий фильм. 17.00 Телефильмлар. 18.05 Мультфильмлар. 18.30 Ҳуқуқий давлат муаммолари. 19.00 Деҳқон юмушлари. 19.30 Ахборот. 19.50 Мақсуд Қориев. «Бир кеча достони». Теленовелла. 20.25 Кинолавҳа. 20.30 Ахборот. 20.50 Камолот сари. 21.30 Время 22.00 Одобнома. 22.15 Ҳаёт қувончлари ва ташвишлари. 23.30 Янгиликлар.

МТ-I. 7.00 «120 минут». 9.05 «Зинопаялар тагида». Бадиий фильм. 10.15 «... 16 ёшгача ва ундан катталар». 11.00 Балет, балет. 12.00 Инсон. Ер. Коинот. 13.00 Время. 17.00 Болгар халқининг турк истибдодига қарши қаҳрамонона кураши ҳақида. 18.00 Телеочерк. 18.20 Шеъриятлаҳзалари. 18.25 Ҳокимият — Советларга. 18.55 Коллаж. 19.00 Время. 19.30 Ҳужжатли фильм. 20.00 Ер — она масканимиз. 20.05 «Оталар изидан борар солдатлар». Бадиий фильм. 21.30 Время. 22.00 Телеочерк. 22.10 Бу бўлган... бўлганди. 22.25 Нигоҳ.

МТ-II. 9.00 Гимнастика. 9.15 Илмий-оммабоп фильм. 9.35 ва 10.35 Мусиқа. 10.05 ва 11.05 Инглиз тили. 11.35 ва 12.35 Теварак атроф билан танишиш. 11.55 ва 12.55 Нима қанча туради? 12.05 «Малика — қурбақа». 13.05 «Виждон». Бадиий фильм. 5-серия. 14.30 Концерт. 15.15 Болалар учун фильм. 16. 55 Ҳужжатли фильм. 17.15 Кичик концерт. 17.30 «Мартен Иден». Телеспектакль. 3-қисм. 18.40 Ҳужжатли фильм. 19.00 Время. 19.30 Киноконцерт. 20.30 Хайрли тун кичкинтойлар! 20.45 СССР Олий Совети сессиясида. 21.30 «Қўшиқнинг тўғилиши». 22.00 Спорт ҳамма учун. 22.15 «Севги ва қиролича». Бадиий фильм. 24.30 Сузиш. СССР чемпионати.

• 3 март, шанба

УзТВ-I. 9.00 «Ассалому алайкум». 10.00 «Камтарин қулингиз». Бадиий фильм. 11.25 «Тошкент» студияси кўрсатади. 12.25 Қонун барчага баробар. 13.05 Мусиқий программа. 13.45 Орол — ҳаётим ва умидим. 14.45 Офат ва нажот. 18.05 Мультфильм. 18.15 Тенгдошлар. 19.00 Ўзбек тилини ўрганамиз. 19.30 Ахборот. 19.45 Мусиқий программа. 20.30 Ҳафтанома. 21.15 Оқшом эртаклари. 21.30 Время. 22.00 «Чангак». Видеофильм.

МТ-I. 7.00 «120 минут». 9.05 Онам, дадам ва мен. 9.35 Экологик программа. 10.35 Ҳужжатли фильм. 11.35 Илмий-оммабоп фильм. 13.10 «Партнер». 13.40 «Зураб Анжапаридзе». 14.35 Свердловскдан кўрсатилади. 15.00 «Ковель яқинидаги ўрмонларда». Бадиий фильм, 1 ва 2-серия. 17.30 Сиёсий мулоқотлар. 18.00 Камалак. 18.30 Халқаро панорама. 19.15 Киноафиша. 20.15 «Шарлоттанинг маржони». Бадиий фильм, 1-серия. 21.30 Время. 22.00 Телескоп. 22.15 Биргаликда куйлайлик, дўстлар. 00.10 Фильм-концерт.

МТ-II. 8.30 Гимнастика. 8.50 Концерт. 9.10 Ҳужжатли фильм. 9.40 «Еттинчи ўқ». Бадиий фильм. 11.00 Мультфильм. 11.20 «Биз яшаётган дунё». 12.00 «Тунда оқ отларда». Бадиий фильм. 3-серия. 13.00 Ҳамдўстлик. 16.30 «Совет Россияси» видеоканали. 19.00 Время. 19.30 Спорт программаси. 20.30 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.45 СССР Олий Совети сессиясида. 21.30 Матбуот клуби. 01.00 Тунги сеанс. «Ой камалаги». Бадиий фильм.

• 4 март, якшанба

УзТВ-I. 9.00 «Ассалому алайкум». 10.00 Дўстларимиз диёрида. 10.40 Қувноқ стартлар. 11.45 «Иван Васильевич касбини ўзгартиради. Бадиий фильм. 13.15 Амалий давра суҳбати. 14.15 «Олма пишганда келинг». Спектакль. 18.05 Реклама. 18.05 Мультфильмлар. 18.50 Концерт. 19.30 Ахборот. 19.50 Теленовелла. 20.30 Ахборот. 20.50 Мусиқа жавони. 21.30 «7 кун». 22.30 Фурқат лирикаси.

МТ-I. 8.30 Спорт ҳамма учун. 8.45 Ритмик гимнастика. 9.15 Спортлото. 9.30 Эрта саҳарлаб. 10.30 Ватан хизматида. 11.30 Тонгги дам олиш программаси. 12.00 Дукё бўйлаб. 13.00 Здоровье. 13.45 Педагогика ҳамма учун. 14.45 Мультфильм. 14.55 «Ковель яқинидаги ўрмонларда». Бадиий фильм. 2-серия 16.00 Қишлоқ янгиликлари 17.20 «Финис — сарлочин». Бадиий фильм. 18.50 Давлат муҳофазасида. 19.20 Шарлоттанинг маржони». Бадиий фильм. 2 ва 3-серия. 21.30 «7 кун». 22.30 Абадият ҳақида ўйлар. 22.45 Концерт.

МТ-II. 8.30 Зарядкага сафланинг. 8.45 «Амнистия». Бадиий фильм. 10.00 Қўл тўпи. Жаҳон чемпионати. 10.30 Енгил атлетика. Европа чемпионати. 11.15 Баскетбол. АҚШ чемпионати. 12.20 «Тунда оқ отларда». Бадиий фильм. 4-серия. 13.20 «Виннинг шаҳарча». Спектакль. 14.55 «Совет Россияси» видеоканали. 17.25 Халқаро программа. 18.25 Коллаж. 18.30 Хоккей. СССР чемпионати. 20.30 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.45 Концерт. 21.10 Танишинг, рассом Теймураз Мурванизде. 21.30 «7 кун». 22.30 «Етти шамол қанотида». Бадиий фильм. 00.15 Концерт.

• «Совет Ўзбекистони» қабулхонасида •

«БЕГУНОҲ»НИНГ ПАРВОЗИ

Айтишларича жуда кўп касб-ҳунар билан шуғулланиб кўриб, уқувсизлиги оқибатида тузукроқ натижага эриша олмаган бир киши охири новвойчилик қилмоқчи бўлибди. Тандирдан узган нонларининг ҳаммаси сифатсиз, қийшайиб кетганлиги учун харидорлардан бири сўрабди:

— Ака, нега нонларингизнинг ҳаммаси қийшайиб кетган. Яхшилаб ёпсангиз бўлмайдими?

Лекин у ўз айбини ҳеч қачон бўйнига олишга одатланмагани учун:

— Э укам, айб менда эмас. Менга қолса осмондаги ойдек бир текис, бўрсилдоқ нон тайёрлардим. Аммо мана шу нонларнинг уни тайёрланган бугдой қийшиқ ўсган. Чунки деҳқон букри бўлган экан, дебди.

Редакция қабулхонасига келиб, Сариосиё районидаги «Коммунизм» совхозининг собиқ директори Омонулло Абдураҳимов ҳақида гапириб берган Т. Тошев бошлиқ бир группа шикоятчиларнинг сўзларини эшитиб, улар тақдим этган ҳужжатларни кўздан кечирганимизда шу воқеа хаёлимиздан ўтди.

Дарҳақиқат «Коммунизм» совхози кейинги йилларда тобора қолоқлик ботқоғига ботиб бораётган. Меҳнатни оқилона уюштириш, кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш, коллективда маънавий-психологик муҳитни соғломлаштириш борасида йўл қўйилаётган жиддий нуқсонлар туфайли хўжаликда қатор соҳалар бўйича давлат планлари бажарилмай келмоқда.

Лекин совхоз директори юз бераётган жиддий камчилик ва нуқсонларнинг туб илдизини ўз раҳбарлик услубининг ярақсизлигидан эканлигини тан олиш ва камчиликларни тугатиш учун жиддий, таъсирчан чоралар кўриш ўрнига бор куч-ғайратини бошқалардан айб излашга сарфлаётир. Келинг ҳурматли газетхон, сўз исботи билан деганларидек, биз ҳам фикримизни , қўлимиздаги ҳужжатлар орқали исботлай қолайлик.

«О. Абдураҳимов совхозда бош инженер бўлиб ишлаган пайтда эҳтиёт қисмларни сақлашда хўжасизликка йўл қўйилган. Жумладан 10420 сўмлик 106 та автошина қонунсиз ҳисобдан чиқарилган, 5348 сўмлик эҳтиёт қисмлар камомад бўлган».

Сариосиё район партия комитети бюро мажлиси қароридан.

Кўриниб турибдики, О. Абдураҳимов хўжаликдаги маълум бир участкага мутасаддилик бўлган пайтдаёқ ўз «лаёқатини» намойиш этган. Аммо буни кейинчалик директорликка тайинлаш чоғида на район партия комитети, на совхоз коммунистлари ҳисобга олдилар. Лавозимли киши нима иш қилса, қандай йўл тутса «тўғри» бўлишини директор ўшанда ҳис этган булса ажабмас. Акс ҳолда кейинчалик ўз мансабидан фойдаланиб, қатор жиддий камчиликларга йўл қўймасди.

Мисол керакми? Марҳамат:

«Аниқланишича, совхозда яшовчи бир қатор шахсларнинг шикоят аризалари асосида Сариосиё район агросаноат бирлашмасининг етакчи ревизори М. Аҳмедов томонидан «Коммунизм» совхозининг 1987 йил 1 августдан 1989 йил 1 январигача қадар хўжалик-молиявий фаолияти тафтиш қилинган. Тафтишда 1988 йил давомида гўшт, тухум, пилла етиштиришдан 180 минг, қорамол, қўй-эчки, чўчқа, от ва паррандаларнинг касалланиб нобуд бўлиши оқибатида совхоз тўғридан-тўғри 302 минг сўмлик, жами чорвачиликдан 480 минг сўмлик зарар кўргани аниқланган».

Сурхондарё область прокуратурасининг редакцияга юборган жавобидан.

Хўш бундай камчиликларнинг илдизи нимада? Бизнингча одамлар билан ишлай олмасликда. Маълумки, ҳамма ерда ишимиз муваффақиятини кадрлар ҳал қилади. Агар ҳар бир участкага билимдон, жонқуяр, ташаббускор ва ҳалол мутахассис қўйилса ютуқлар кўпайиб, муваффақиятлар ортаверади. Бироқ О. Абдураҳимов хўжаликни юксалтиришни эмас, балки ўзининг ҳузур-ҳаловатини ўйлади. Атрофига ўзига садоқатли кишиларни тўплади. Буни қуйидаги ҳужжат яққол тасдиқлаши мумкин:

«Текшириш вақтида аниқланишича, «Коммунизм» совхози директори вазифасида ишлаб турган О. Абдураҳимов коллективда нонормал шароитни вужудга келтирди, ўзига ёқмаган ходимларни қувғин остига олди. Социалистик демократия нормаларини қўпол равишда бузди, меҳнат қонунини бузишдан қайтмади.

1989 йил 14 июлда Сариосиё район партия комитети бюроси қарорида таъкидланишича О. Абдураҳимов совхозда бош инженер, сўнгра директор бўлиб ишлаган пайтда ишда, айниқса, кадрларни танлаш ва уларни тарбиялашда жиддий нуқсонларга йўл қўйган»

Ўзбекистон ССР Давлат агросаноат комитети комиссияси маълумотномасидан.

Директорнинг шошма-шошарлиги, масъулиятни ҳис қилмай кадрларни алмаштираверириши бировларга манфаат берган бўлса, бошқаларнинг ҳузур-ҳаловатини йўқотди, сарсон-саргардон қилиб қўйди. Чунончи фақат 2 ой бўлим бошқарувчиси бўлиб ишлаган М. Мусурмонов бўлимда пахта тайёрлаш плани бажарилмади баҳонасида у бўлим агрономлигига ўтказилган. Ҳолбуки, бўлимда пахтадан бошқа картошка, беда, галла етиштириш планлари ошириб адо этилган ҳамда М. Мусурмонов меҳнатдаги муваффақиятлари учун ВЛКСМ XX съезди делегати қилиб сайланган эди.

Совхознинг О. Жўраев, А. Эшназаров, Х. Боймирзаева А. Рўзиқулов каби мутахассислари ҳам О. Абдураҳимовнинг якка ҳокимлиги билан ўз вазифаларидан қонунсиз бўшатилдилар.

Директорнинг назоратсизлиги туфайли Москва шаҳрига юборилган тарвузларнинг бир қисми яроқсиз бўлиб чиқди. Натижада совхозга анчагина зарар етган. Бундан ташқари 1987 йили йиғим-терим иштирокчиларини мукофотлаш қондаси ҳам қўпол равишда бузилганлиги раҳбарнинг мутлақо қонунқоидани писанд этмаслигидан далолатдир. Бўлмаса, йиғим-теримда мутлақо қатнашмаган экономист, унинг ёрдамчилари ҳамда жамоат ташкилотларининг бошлиқларига 1520 сўмни мукофот тариқасида ҳадя этиб юборармиди?

Хўжаликда ревизор лавозими бўлишига қарамасдан 1988 йили моддий-товар бойликларни ҳисоб-китоб қилиш учун 16 киши қўшимча равишда жалб этилди. Уларга йил давомида 10926 сўм пул тўланди. Шу йилнинг ярим йили мобайнида шундай иш билан шуғулланган беш киши 2453 сўм ҳақ олди. Хўжаликнинг молиявий аҳволини текширган бир неча комиссиялар қайд этган ҳужжатларда аниқланишича, ҳисоб-китоб ишларига ноқонуний жалб этилган кишиларнинг бир қисми директор О. Абдураҳимов ва унинг ўринбосари Д. Холматовнинг қариндошлари бўлади.

Баъзан директор ва бош мутахассислар ўз мансабларидан фойдаланиб, ўзларига оширилган миқдорда маош ёзиб олишган. Масалан, директор О. Абдураҳимов, бош бухгалтер Ж. Обидов, кассир М. Назаровларнинг ҳар бири совхоз кассасидан 500 сўмдан пул олганлар.

Совхоздаги камчиликларни текшириш чоғида «Вочах» участкасидаги мактаб қурилишига 2007 сўм сарфланганлиги маълум бўлди. Аслида ҳужжатларда бу пул 23206 сўм қилиб кўрсатилган.

Директорнинг колхоз кассаси ҳисобига ҳотамтойлиги шунчаликка бориб етдики, унинг кўрсатмаси билан уч минг сўмга бир бош от сотиб олиниб, совхознинг тўртта оти 2,5 минг сўмга совхоздаги ишловчилар ва чет одамларга сотиб юборилди.

Совхознинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш чоғида анчагина пул ва моддий бойликлар етишмаслиги аниқланди. 11,6 минг сўм қонунсиз ишлатиб юборилган ва унинг 8841 сўми айбдорлардан ундириб олинган. Юқоридаги камчиликлар, қонунсиз ишлар ревизия якунида, яъни шу йил 10 майда маълум бўлган бўлсада, район агросаноат комитети жиддий чора кўргани йўқ. Район партия комитети эса масалага унча аралашгиси келмаган кўринади.

Фикримизни тасдиқлаш учун яна фактларга мурожаат қилишга тўғри келади.

«Район партия комитети бюроси хўжалик юритишда йўл қўйган хатолари, меҳнат коллективида тарбиявий ишларни ташкил қилишдаги камчиликлари, хўжалик ва молиявий интизомини бузганлиги ва шу туфайли совхозда носоғлом маънавий-психологик муҳит юзага келганлиги учун совхоз директори О. Абдураҳимовга ҳисоб карточкасига ёзиш шарти билан қаттиқ ҳайфсан эълон қилди. Бюро О. Абдураҳимовни «Коммунизм» совхози директорлиги вазифасида фойдаланишни мақсадга мувофиқ эмас, деб топди».

Сариосиё район партия комитети бюро мажлиси қароридан.

Бироқ район партия комитетининг бюро мажлиси бўлиб ўтган кунининг эртасигаёқ хўжалик меҳнат коллективларининг конференцияси чақирилди. Унда бошқа раҳбарлар қатори район партия комитетининг биринчи секретари В. Хомяк, район партия комитети иккинчи секретари Ф. Махмудов, район партия комитети секретари М. Бахриддинова, район партия комитети партия комиссиясининг раиси А. Саторовлар ҳам иштирок этишди.

Конференция совхоз директори ва хўжалик бош мутахассисларини сайлаш масаласини муҳокама этди. Йиғилишда жуда кўп кишилар музокарада қатнашди. Уларнинг кўпчилиги ўз сўзларида директорни мақташди, лавозимида қолдиришни ёқлаб чиқишди. Биз улар кўрсатма асосида ҳаракат қилишган ёки келишиб олишган деган фикрдан йироқмиз.

Аммо баъзи коммунистларнинг директорнинг айбларини била туриб кўрмаганга олишлари, уни сутдай оқ, деб жар солишлари кишини таажжублантиради, холос. Улардан айримларининг сўзини келтирамиз.

Манзар БЕРДИЕВ:

«Омонулло Абдураҳимовни 1963 йилдан бери танийман. Бу киши ҳақиқий коммунист. Бу кишига халақит бераётганларни тозалаш керак. Мен совхоз директорлигига О. Абдураҳимовни таклиф қиламан».

Мамарасул ЧОРИЕВ:

«Абдураҳимовга райком виговор берибди. Бу киши ҳар қандай шароитда ҳам яхши ишлаб келди. Меҳнаткаш, ҳалол, тиришқоқ раҳбар. Совхоз мутахассислари Муҳаммадиев, Обидов, Ашуров, Рўзиқуловлар бўшатилиб, директорга ишлаш учун шароит яратиш керак. Мен район партия комитетидан сўрайман. Мен коммунистман. Таклифим учун жавоб бераман».

Раҳим СОТИБОЛДИЕВ:

«Мен оддий ишчиман. Абдураҳимовни директор бўлгандан бери биламан. Бу киши ҳақида ҳеч қандай ёмон гап эшитган эмасман. Таклифим, вазифасида қолсин».

Делегатлар таклифларни гулдурос қарсаклар билан қарши олишди. О. Абдураҳимов яна директорлик курсини эгаллади. Шу ўринда савол туғилади. Нима учун район партия комитети ўзининг яқинда қабул қилган қарорини ҳимоя қилмади? Унда юқори органларнинг обрўси қаерда қолди? Ёки принципсизлик район коммунистларига хос «фазилат» бўлиб қолганми? Бўлмаса, Мамарасул Чориевдай кишилар коммунистлигини пеш қилиб, директорни ҳалол, покиза, деб жар солмаган бўларди.

Директор билан бир ҳовлида турган укаси Асадулло Абдураҳимов уйида қонунсиз равишда ароқ тайёрлаганлиги район ички ишлар бўлими томонидан аниқланган.

Бу ҳақда «Ленин байроғи» область газетасида «Ароқ оласизми?» сарлавҳали таниқдий материал эълон қилинган. Нега директор, коммунист раҳбар бир ҳовлида яшайдиган укасининг ишларига муносиб баҳо бермади? Уни нопок йўлдан қайтармади? Район коммунистлари таниқдий мақолани ўқиганмидир. Билиб туриб, уни бегуноҳ, боз устига қобилиятли, ишбилармон қилиб керсатиш керакмиди?

Ана шулар ҳам О. Абдураҳимов ўзини бутунлай гуноҳсиз, деб ҳисоблашига олиб келяпти. У яқинда «Ёш куч» журналида шундай ёзади: «Айрим йиллардаги соф даромадимиз 3,5 миллион сўмга етар эди. Хўжалик фақат даромад келтирарди. Ҳозир зарарга ўтяпти. Шу йилнинг дастлабки 5 ойлик иш ҳақини ишчиларимиз май ойида олишди холос»...

Хўш, бунга ким айбдор. Аввало, ўзи ибрат кўрсатиши, ишда ҳам ахлоқ-одобда ҳам, ҳалоллик, интизомда ҳам ўрнак бўлиши лозим бўлган раҳбар эмасми?

ХОТИМА ЎРНИДА: Сўнгги пайтда юқори ташкилотларнинг аралашуви билан ноҳақ ишдан бўшатилган мутахассислар қайта жойига тикланди. Директор эса, ишда йўл қўйган камчиликлари учун директорликдан олиниб, район агрокомбинати бош директорининг механизация бўйича муовини этиб тасдиқланди. Энди у район миқёсидаги раҳбар лавозимига ўтирди. Область агросаноат комитетидагилар уни ҳамон бегуноҳ ҳисоблашаётгандир-да...

К. РИХСИЕВ,
«Совет Ўзбекистони» махсус муҳбири.

ЎЗБЕКБИРЛАШУВ КЕНГАШИНИНГ ЙИҒИЛИШИ

Ўзбекбирлашув ташкилотлари ва корхоналарининг вакиллари 23 февраль куни Тошкентда бўлган йиғилишда тайёрловчи ва қайта ишловчи тармоқлар ишини такомиллаштиришга доир жумҳурият матлубот кооперацияси вазифаларини муҳокама қилдилар. Қишлоқ меҳнатчиларини озиқ-овқат, саноат моллари, бинокорлик материаллари билан таъминлашни яхшилаш учун ҳали барча имкониятлардан фойдаланилмаётганлиги таъкидланди. Қабул қилинган қарорда матлубот кооперацияси ходимлари фаолиятининг яқин давридаги асосий йўналишлари баён этилган.

Йиғилишда Ўзбекбирлашувнинг янгиланган Низоми муҳокама этилди ва айтилган фикр-мулоҳазаларни ҳисобга олиб қабул қилинди. Унда жойлардаги матлубот жамиятлари ва матлубот уюшмаларининг ҳуқуқларини кенгайтириш қонунлаштирилган. Улар, жумладан, энди товар оборoти планини мустақил қабул қилишлари, хорижий шериклар билан шартнома тузишлари, Ўзбекбирлашув таркибига кирмайди

ҒУНЧАЛИ НАВРЎЗ КЕЛУР

МУНОСИБ СОВҒА

Наврўз Шарқ халқларининг қадимий байрамларидан биридир. Ҳар бир халқ бу байналмилал байрамни ўз турмуш тарзи, яшаш шароитлари, урф-одатлари доирасида янада бойитиб, ўзиники қилиб, асрлар давомида нишонлаб келди. Аммо сталинизм, сўнг турғунлик даврида бу байрамни тақиқлашга уринниб кўрилди. Меҳнаткаш халқ маданий-маиший ҳаётига бундай қўпол аралашув оқибатида Наврўзнинг бир қатор узвлари, хусусан, сўз компоненти (фольклор қисми) унутила бошлади. Кексалар хотирасида қолган намуналар эса вақтида ёзиб олинмади. Бу ҳол Наврўз ҳақидаги материалларни тезроқ тўплашга киришишни ва мавжудларини зудлик билан нашр этишни тақозо этади. Шу маънода озарбайжон қардошларимизнинг «Наврўз» номли тўплам-альбомни нашр этганликлари ҳар жиҳатдан таҳсинга лойиқдир.

Тўпламга таниқли озарбайжон фольклоршуноси, профессор Озод Набиев тартиб берган ва «Элнинг азиз байрами» номли кириш мақоласида Наврўзнинг юзага келиши, тарихий тараққиёти, асрлар давомида ғоя ва мундарижа жиҳатидан бойиб бориш масалаларини ёритган, бу улкан байрам билан боғлиқ халқ қўшиқларини таҳлил этган.

«Наврўз» тўплам-альбомининг нашр этилиши нафақат озарбайжон халқи маданий ҳаётида, балки бутун туркий фольклоршуносликда катта воқеадир. Бу Наврўзни фольклористик йўналишда ўрганишда жиддий қадам бўлиб, йўқолиб бораётган халқ ижоди намуналарини тўплаш ва нашр этишга кенг йўл очади.

«Наврўз» тўпламн альбомининг муқоваси.

В. Молгачев суратга туширган.

• *Айём назми*

ЧЎПОН МАДҲИ

Кўкдаги кўк булутлар
Кўрпасидир чўпоннинг.
Ясси-ясси тепалар
Ёстиғидир чўпоннинг
Муштум-муштум қоялар
Муштумидир чўпоннинг.

Қўлидаги таёғи
Қалқонидир чўпоннинг.
Ёнидаги бўз кўппак
Йўлдошидир чўпоннинг.
Оғзи қора жонивор
Душманидир чўпоннинг.

ҚЎЙ ВА ЭЧКИ АЙТИШУВИ

Қўй дейдики, мен ўтдан ҳеч тўймасман,
Куз ҳам келди, ерда хас-чўп
қўймасман.
Ҳар бир уйни жуним билан безарман,
Оғир-оғир гиламларим бор маним,
Ғулли-ғулли наматларим бор маним.
Эчки дейди: менинг сутим малҳамдир.
Доирага тортилган маним теримдир,
Уч ой қиш ўлмасман, осмон каримдир,
Баланд-баланд қояларим бор маним.
Наврўз келди, ёйламиз тузларга,
Тик боқамиз заҳар ёққан юзларга.
Биз керакмиз хонимларга, қизларга,
Неча-неча кўзлаганим бор маним,
Наврўз куни излаганим бор маним.

КЕЛИН БИЛАН ТЕГИРМОНЧИ

Келин:
Торт бу донни, бошдан
бўлсин,
Киприклари қошдан
бўлсин.
Жоним, тегирмончи бобо,
Кўзим, тегирмончи бобо.
Тегирмончи:
Бўлмас-бўлмас, хоним,
бўлмас,
Сув келиб нова тўлмас.
Ҳаммага навбат келса-да,
Сен хонимга навбат келмас.
Торт бу донни, бошдан
бўлсин.
Келин:
Киприклари қошдан
бўлсин.
Жоним, тегирмончи тоға,
Кўзим, тегирмончи тоға.

Тегирмончи:
Бўлмас-бўлмас, хоним
бўлмас,
Сув келиб нова тўлмас.
Ҳаммага навбат келса-да,
Сен хонимга навбат
келмас.
Келин:
Торт бу донни, бошдан
бўлсин,
Киприклари қошдан
бўлсин.
Жоним, тегирмончи
йигит,
Кўзим, тегирмончи йигит.
Тегирмончи:
Бўлди, бўлди, хоним,
бўлди,
Сувлар келиб нова тўлди.
Узгаларга йўқдир навбат,
Сен хонимга навбат келди.

БАҲОР ТАРОНАЛАРИ

Ғунчали Наврўз келур,
Ғунчали Наврўз келур.
Сурма чекинг қошина,
Қанд-қурс сепинг бошина,
Шамдонларни шайлангиз,
Ёру-дўстни сайлангиз,
Ғунчали Наврўз келур,
Ғунчали Наврўз келур.

* * *

Бўйни эгик
Бинафшам,
Кўнгли ўксик
Бинафшам.
Қор устидан
Бўйлаган,
Дардларини
Сўйлаган
Ҳой, қор ҳидли
Бинафшам,
Баҳор ҳидли
Бинафшам.

* * *

Кун, чиқ, кун чиқ
Тўриқ отни мин, чиқ.
Уғлинг қоядан учди,
Қизинг тандирга тушди.
Качал қизни уйда қўй,
Сероч қизни олиб чиқ.
Кун кетди сув ичгани,
Қирмизи тўн бичгани.
Кунинг кўзи мўлтиради,
Качал қизни олиб кетиб,

САРИҚ СУМБУЛИМ

Шудгорда тер тўкарман,
Баҳор сени экарман,
Ҳар нозингни чекарман,
Сариқ сунбулим, сариқ.

Элу юртни безарсан,
Кўз устида кезарсан.
Ҳар гўзалдан гўзалсан,
Сариқ сунбулим, сариқ,

БАЙРАМ УРФ-ОДАТЛАРИ

Наврўзга ҳозирлик кўрадилар.
Наврўзда ҳовли-ҳарамни тозалайдилар.
Наврўзга қадар дарахтлар танасини оқлайдилар.
Наврўзга қадар боғдаги хазонни йиғиб ёқадилар.
Наврўзда буғдой ундирадилар.
Наврўзда сумалак пиширадилар.
Наврўзда ният қиладилар.
Наврўзда янги кийим-бош оладилар.
Наврўзда қиз-жувонларга янги кийим-кечак олиб бериб
ҳурсанд қиладилар.

Наврўзда от чопишга тадорик кўрадилар.
Наврўзда ғамгин ўтирмайдилар.
Наврўзда Наврўз таомлари пиширадилар.
Наврўзда ҳовлиларда чалғи ясайдилар.
Наврўзда қиз танлагани чиқадилар.
Наврўзда араз-гиналарни унутадилар.
Наврўзда қариндош-уруғларниникига меҳмонга
борадилар.

Наврўзда сўкинмайдилар.
Наврўзда нишонли қизга Наврўз ҳадяси элтадилар,
Наврўз оқшоми қарғанмайдилар.
Наврўз куни ота-она қабрини зиёрат қиладилар.
Наврўзда ғийбат қилмайдилар.
Наврўзда қариндош-уруғ, таниш-билишларга
меҳрибончилик қиладилар.

Наврўзда отни, итни урмайдилар.
Наврўз куни барра ялпиз терадилар.
Наврўз куни илон ўлдирмайдилар.
Наврўз куни қизлар қизил кийинишади.
Наврўз куни уй соҳиби уйда бўлади.
Наврўз куни беморларга байрам таомлари
жўнатадилар.

Озарбайжон тилидан Усмон ҚУЧҚОР таржимаси.

АХБОРОТ

ИМТИЁЗЛАРДАН ВОЗ КЕЧИЛДИ

● Наманган область партия комитети ходимлари бундан ярим йил муқаддам ўзлари учун яратилган барча имтиёзлардан воз кечишганди.

Дастлаб бу ердаги махсус магазин шаҳар матлубот жамияти ихтиёрига берилди. Кейинчалик социал-маданий ва бошқа соҳалардаги «ғамхўрликлар»га ҳам чек қўйилди. Яқинда область партия комитети ва халқ депутатлари область Совети ижроия комитети яна бир хайрли ишни бошлаб бердилар. Уларнинг ташаббуси билан областдаги барча бошқарув органлари ва жамоатчилик ташкилотлари коллективлари ўз фондини раҳм-шафқат ва соломатлик Совет фондининг область бўлими ихтиёрига ўтказишди. Эндиликда бир неча ўн тонналаб гўшт, ҳар ойда ёлғиз яшайдиган, моддий таъминоти ўртача кўрсаткичдан паст бўлган қариялларга берилмоқда.

Вилоятда ўртача ойлик даромади 70 сўмдан кам бўлган ва ёлғиз яшайдиган қариялар 3200 нафарни ташкил этади. Уларнинг бир қисми уруш ва меҳнат ветеранларидир. Маълумки, бундай кишиларнинг ҳамиша ҳам бозордан олти-етти сўмдан гўшт сотиб олишга қурби етавермайди. Энди бўлса, аҳвол тубдан ўзгарди. Ёлғиз яшайдиган ва қаровсиз қолган кишиларга нисбатан узоқ йиллар давом этиб келган эътиборсизлик ўрнини меҳршафқат, ғамхўрлик эгаллади. Бундан эса улар ғоят мамнун бўлишяпти.

СЕРФАРЗАНД ОИЛАЛАРГА

● Наманган шаҳри марказидаги Совет кўчасида кекса онахонларни, ўғил-қизларини етаклаган аёлларни кўплаб учратиш мумкин.

Шаҳарга районлардан бирор юмуш билан келган онахонлар ҳам Совет кўчасини сўраб-суриштириб қолишади. Бу бежиз эмас, албатта. Яқинда бу ерда кўп болали аёллар ва «Қаҳрамон она»лар учун алоҳида магазин очилди. Шаҳар саноат моллари савдоси томонидан ташкил этилган ушбу магазинда кўп болали аёллар ва онахонлар учун зарур бўлган барча нарсалар муҳайё этилган. Магазинда махсус журнал ташкил этилган бўлиб, унга харидорларнинг талаб ва истаклари ёзиб қолдирилади. Айни пайтда зарур нарсаларга буюртмалар ҳам берилади.

А. МАДАТОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ЎЗБЕКИСТОН ССР ГОССНАБИ
РЕСПУБЛИКА КОММЕРЦИЯ-АХБОРОТ БИРЛАШМАСИ
1990 ЙИЛ 14 МАРТДАН 16 МАРТГАЧА
ТОШКЕНТ ШАҲРИДА
Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасида

— хўжалик алоқалари ўрнатиш ва маҳсулотлар етказиб бериш юзасидан корхоналар ўртасида шартномалар тузиш;
— корхоналар ва ташкилотлар томонидан ўзлари ишлаб чиқараётган маҳсулотларнинг янги турларини реклама қилиш ва уларга нисбатан эҳтиёжларини шакллантириш бўйича

РЕСПУБЛИКА ЧАКАНА-САНОАТ ЯРМАРКАСИНИ ЎТКАЗАДИ

1990 ЙИЛ 16 МАРТ СОАТ 11.00 да
эҳтиёж катта бўлган ишлаб чиқариш-техника маҳсулотлари савдоси бўйича
КИМОШДИ САВДОСИ ЎТКАЗИЛАДИ

Кимошди савдо ярмаркаси ўтказиладиган жой: Тошкент шаҳри, Энгельс кўчаси, 107-уй.
Кимошди савдо ярмаркасида қатнашиш ва жойларни бронлаштириб қўйиш учун аризалар билан қуйидаги адресга мурожаат қилинсин: 700038, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 7-уй.
Маълумотлар олиш учун телефонлар: 41-32-71, 41-11-20, 41-16-60.

Ёнғин хавфсизлиги қоидаларига қатъий риоя қилиш

ШАРТ!

Қурилаётган эҳтиёт чораларига қарамай республикада ёнғин чиқиш ҳоллари ташвишли даражада кўпаймоқда. Айниқса турар жойларда содир бўлаётган ёнғин ҳодисалари катта хавф туғдирмоқда. Олов чангалида қимматли моддий бойликлар, иморатлар, турар жойлар барбод бўлиб, юзлаб кишилар ҳалок бўлмоқдалар ва майиб-мажруҳ бўлиб қолмоқдалар.

Умуман Ўзбекистон бўйича 1989 йилда ёнғин чиқиш ҳоллари 30 фоизга, зиён миқдори 2,1 бараварга кўпайди. Электр иситиш асбобларидан фойдаланишда ёнғин хавфсизлиги қоидаларининг бузилиши туфайлигина аҳоли яшайдиган уй-жойларда 4000 дан ортиқ ёки 1988 йилга қараганда 27,2 фоиз кўп ёнғин чиқди.



Бундай кўнгилсиз ҳодиса юз бермаслиги учун

ҚУЙИДАГИЛАРНИ ЭСДА ТУТИНГ:

Электр иситиш асбобларини тез алангаланадиган нарсалар, пардалар ва дарпардалар, каравотлар, гулқоғозлар ёпиштирилган деворлар ва ёғоч тўсиқлар яқинига қўйманг, шунингдек бу хилдаги асбобларни болалар ёнида назоратсиз қолдирманг. Иссиқ дазмолдан фойдаланаётганингизда уни фақат сопол ёки бошқа ёнмайдиган таглик устига қўйиб ишлатинг. Дазмоллашни тугатганингиздан сўнг уни электр манбаидан узиб қўйиш зарур.

Айниқса, электр чойнакларни ўз вақтида ўчириб қўйишни унутманг, акс ҳолда ундаги сув буғланиб, чойнак корпуси эриб кетади ва унга тегиб турган нарсаларни куйдириб қўйиши мумкин.

Энг кўп ёнғин чиқиш хавфини электр печлари келтириб чиқаради. Шу сабабли фақат фабрикада тайёрланган печлардан ёнғинга қарши кураш қоидаларига қатъий риоя этган ҳолдагина фойдаланишга рухсат этилади.

Электр ёритгич асбобларидан фойдаланишда қуйидагилар тақиқланади:
— электр симларини михга илиш;
— иссиқ кавшарлашсиз ва изоляциясиз симларни улаш;
— электр симлари устидан гулқоғоз ёпиштириш;
— куйган предохранителларни қўлбола мосламалар билан алмаштириш;
— электр чироқларини қоғозли ёки матоли абажурлар билан тўсиш;
— носоз розетка, выключатель ва патронлардан фойдаланиш, электр симларига ва включателларга кийим-кечакларни осиш;
— ишлаб турган телевизор ва приёмникларни қаровсиз қолдириш.

Ўзбекистон Жумҳурият кўнгилли ўт ўчирувчилар жамияти.
«Союзреклама» Бутуниттифоқ ишлаб чиқариш бирлашмасининг Ўзбекистон реклама ишлаб чиқариш корхонаси.

• *Факт ва шарҳ*

Ўзбекистон Компартиясининг сайловолди ҳаракат дастурида кўзда тутилган хайрли тадбирлар босқичма-босқич амалга оширилди. Республика аҳолисининг моддий-маиший аҳволини яхшилаш юзасидан белгиланган режаларни кўпчилик хайрихоҳлик билан маъқуллади. Шу муносабат билан ҳайрия кўмаги беришга чоғланганлар учун алоҳида ҳисоб очилган эди. Биринчи февралгача бўлган маълумотга қараганда жамғармада бир миллион 682 минг сўм тўпланганн аниқланди.

САВОБДАН ҚУРУҚ ҚОЛМАЙ

— Уй-жой ижтимоий республика банкининг Тошкент область бошқармасига тегишли алоҳида номерли ҳисобга йўлланаётган катта-кичик маблағлар кети узилмаяпти, — дейди Ўзбекистон ССР Давлат план комитетининг молия ва нарх-наво бўлимининг бошлиғи А. Валиев. — Бугунгача тўпланган жамғармага касаба союзлари Тошкент область Совети бир миллион, Ўзбекистон комсомол Марказий Комитети 250 минг, «Ташремстрой» трести минг сўмлик улуш қўшдилар. Шунингдек, республика Министрлар Советининг ишлар мудирлиги 208 минг сўм ажратди.

Йиғилган маблағ ҳозирча бирон бир мақсадлар бўйича сарфланганн йўқ. Зеро, область, район ва шаҳар совети ижроия комитетлари ёрдамга муҳтож кўп болали ва кам даромадли оилалар сонини аниқламоқдалар. Уларнинг талабномалари бўйича тўпланган хайрия пуллари яхши ният йўлига сарфланади. Фурсатдан фойдаланиб, аҳолининг моддий-маиший аҳволини яхшилаш юзасидан хайрия пулларини бериш ниятидаги ишлаб чиқариш корхоналари, колхоз ва совхозлар, ташкилот ва муассасалар эътиборига жамғарма ҳисоби номерини маълум қиламиз: **000141438. Уй-жой ижтимоий республика банкининг Тошкент область бошқармасига.** Ўйлаймизки, кўпчилик бундай савобли ишдан четда қолмасликка ҳаракат қилади.

Қ. НОСИРОВ.

• *Эл соғлиғи—юрт бойлиги*

Замонавий шифохонада

● Бундан ўттиз йил муқаддам Тошкентда, Ўзбекистон соғлиқни сақлаш министрлиги қошида мўъжазгина лаборатория очилди. Уша йили бу ерда 400 бемор даволанди. Кўз касалликларини даволаш хизмати кўрсатишнинг янги йўналувчи — кўриш қобилиятини узвий тўғрилаш усули юзага келди.

Бугунги кунга келиб лаборатория замонавий ускуналар билан жиҳозланди. Кўз касалликларини даволаш бўйича етук мутахассислар бу ерда фаол ишламоқдалар. Яқинда замонавий даволаш корпуси қад кўтарди. Бу — тиббиёт муассасаси ходимлари учун фаолроқ ишлаш шароитини яратди.

Суратда: врач Е. Боровская бемордаги хасталикни аниқламоқда.

А. ГОРОКРИК сурати (ЎзТАГ).

ВАЗИЯТ НОРМАЛЛАШМОҚДА

Бўка районидаги вазият бирмунча изга тушди. Шу кунларда Бўка шаҳрида рухсат этилмаган митинг бўлди, унда 250 киши қатнашди, уларнинг кўпчилиги ёшлардир. Оққўрғон районида рухсат этилмаган митинг ташкил этиш ва ўтказишга уринишнинг олди олинди.

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари жамоат тартиби бузилишига, тартибсизликларни областдаги Бўка районига қўшни районларга тарқатишга уринишларга йўл қўймаслик учун зарур чораларни кўрмоқдалар.

Жабрланганлар ва қурбонлар йўқ. Вазият тўла назорат қилинмоқда.

СПОРТ •

МАҲОРАТ ОШИРИБ

● Бухорода ёшлар ўртасида ўтказилган республика биринчилигида умидли спортчилар камол топаётгани кўзга ташланди. Чунончи, бухоролик И. Халилов даст кўтаришда республика рекордини ўрнатди. Бу билан у Кубада бўлажак социалистик мамлакатлар «Дўстлик» турнирида иштирок этишга даъвогар эканини намойиш этди.

Муҳаррир
Р. РАҲМОНОВ.

Ўзбекистон ССР Телевидение ва радиоэшиттириш Давлат комитетининг бадиий коллективлари Дони Зокиров номидаги халқ чолғу асбоблари оркестрининг созандаси Л. Қосимовга отаси
Фозил ҚОСИМОВнинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Мевачилик, узумчилик ва виночилик илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси коллективи бирлашма бош директори М. М. Мирзаевга опаси
Фотима МИРЗАЕВАнинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ»
(«Советский Узбекистан»)
Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР

БИЗНИНГ АДРЕС:
700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

БЎЛИМЛАР: партия турмуши — 33-34-69, 32-53-97, 32-57-19, пропаганда — 32-55-70, саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 32-53-14, 32-54-09, қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 32-53-15, 32-53-70, совет қурилиши — 33-12-46, 32-57-20, 32-54-18, фан, маданият ва халқ таълими — 33-44-51, 32-57-21, адабиёт ва санъат — 33-20-36, 32-54-35, 32-55-16, ахборот ва спорт — 33-14-24, 32-55-17, халқаро ҳаёт — 32-54-14, хатлар ва оммавий ишлар — 33-21-43, 32-53-16 32-53-20, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06, коммунистик ахлоқ — 32-54-29, фельетонлар — 32-54-27, иллюстрация — 32-57-22.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси, 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.
Газета офсет усулида, А—2 форматида босилади.

Р. — 01128. № 47. ИНДЕКС 64583. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12